



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
18-mart
chorshanba
№ 11 (1489)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!
Авалло, сизларни, жойлардаги студиялар орқали бугунги ифторлик маросимида иштирок этаётган хурматли нурунийлар, олим уламолар, кенг жамоатчилик вакиллари, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.
Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғ-саломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукрлар бўлсин!

Меҳр-оқибат ва эзгулик рамзи бўлиш Рамазон ойида ҳаммамиз биргалликда қўллаб-савобли ишларни амалга оширмакда.
Давлат ва нодавлат ташкилотлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Махаллалар уюшмаси, Мусулмонлар идорасининг "Вақф" жамғармаси, худудлардаги "Инсон" марказлари, саховатли тadbиркорларимиз томонидан кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларга, кўмакка муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тиббиёт бўлинмалари олис ва чекка худудларимизга бориб, аёллар, болалар ва нурунийларимизни кўриқдан ўтказмоқда, оғир беморлар операция йўли билан даволанмоқда.

Мана шундай файзу баракали кунларда мамлакатимиз миқёсида ифторлик тadbирларини ўтказиш ҳам яхши анъанамизга айланди.

Албатта, буларнинг барчаси жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва умуммиллий бирлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги ифторлик маросимида юртимиздаги турли миллат ва диний конфессиялар намоёндалари иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ҳозирги гоят тахликали замонда

тинчлик нақадар улуг ва бебаҳо неъмат эканини, 38 миллиондан зиёд аҳолимизнинг ягона халқ, аҳил бир оила бўлиб яшаётгани энг катта бойлигимиз эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Давраимизда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ҳам қатнашаётганини биз динимизнинг гуманистик ва бағрикенглик қадриятларига, давлатимизнинг очиқлик сиёсатига хурмат-этибор ифодаси сифатида қабул қиламиз ва уларга самимий тилакларимизни билдираман.

Қадрли ватандошлар!
Бугунги Рўзаи Рамазон кунида барчамиз яна бир том маънода тарихий воқеада иштирок этмоқдамиз. Халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати билан бунёд этилган улугвор ва ноёб мажмуа – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимини ўтказмоқдамиз.

Не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўёбга чиққан мана шундай унутилмас кун билан, чинакам илм-маърифат байрами билан ҳаммагизни чин қалбимдан табриклайман.

Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданиятининг, Янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетақорор ва буюк мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!
Биз юртимизда ривожланган давлат, эркин жамият пайдоворини бунёд этиш учун, энг аввало, илм ва илм, таълим ва яна бир бор таълим, деган олий мақсадни ҳаётимизга жорий этмоқдамиз. Зеро, муқаддас динимиз ҳам бизни доимо илму маърифатга даъват этади.

Шу боис, Ислом цивилизацияси марказининг Улуғбек дарвозаси пештоқига Қуръони каримнинг "Икра" – яъни, "Ўқи!" деган муборак оятини муҳрлаб қўйдик.

Бу илоҳий сўзлар замирида ислом динининг асл маъно-мазмуни мужассам, десақ, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хабарингиз бор, бундан тўққиз йил олдин мажмуаи барпо этиш ҳақида махсус қарор қабул қилиб, амалий ишларни бошладик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган бу эзгу ташаббусимиз жаҳон жамоатчилиги, айнисқа, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бу ҳар жиҳатдан улкан лойиҳани амалга ошириш учун шошилмадик, етти эмас, еттиш марта ўйлаб, узоқни кўзлаб, тинимсиз изландик. Ниҳоят, қадимдан Тошкент азиямининг маънавий маркази бўлиб келган Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида, қуриб турганингиздек, бетақорор архитектурага, чинакам миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарқона шаҳарча барпо этилди.

Ушбу Марказда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва цивилизацияси дурдоналарини бир пайтнинг ўзида ягона маърифий маконда кўриш, шу асосда ўзбек халқининг интеллектуал ва маданий салоҳиятини яққол англаш мумкин.

Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етади, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!
Азалдан турли цивилизация ва маданиятлар туташган минтақада жойлашган юртимиз замини Буюк ипак йўли ривожига муҳим ўрин эгаллаган. Кўҳна диёримиз исломгача бўлган даврда ҳам илм-фан, маърифат маркази сифатида шухрат қозongan. Қадимий Туркистон ўлкасида ислом дини кириб келгач, бу ерда ҳадис ва калом илми, мусулмон

ҳуқуқи, тасаввуф бўйича йирик мактаблар шаклланди, ўнлаб буюк алломалар етишиб чиқди.

Аниқ ва табиий фанлар соҳасида ўз кашфиётлари билан жаҳонни ҳайратга солган улуг олимларимиз асарлари ҳам исломий муҳит бағрида вужудга келган. Дунёга машҳур бу китоблар "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим", деган илоҳий сўзлар билан бошлангани уларнинг муқаддас динимиздан илҳом ва куч олиб яратилганини билдиради. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бепоён минтақамизнинг маънавий мулки бўлган ана шундай бебаҳо бойликни чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида уни Ислом цивилизацияси, деган ном остида бирлаштиришга қарор қилдик.

Албатта, ҳозирги мураккаб ва оғир шароитда бундай йирик мажмуани энг юксак замоний талаблар даражасида яратиш осон бўлмади.

Биз Марказ қурилишини илмий тадқиқот ва изланиш ишлари билан баробар равишда олиб бордик. Утган даврда кўҳна меросимизга оид, бизга умуман номаълум бўлган қанча-қанча ноёб маълумотларни кашф этдик.

Халқаро экспертлар эътироф этадики, бугун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб яратишга эришдик. Нақадар катта имкониятларимиз, интеллектуал салоҳиятимиз борлигини дунёга намоён эта олдик.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арайиди.

Ушбу ноёб мажмуа салкам 10 гектар худудда жойлашган бўлиб, бинонинг умумий фойдаланиш майдони 50 минг квадрат метрни ташкил этади.

(Давоми 2-саҳифада).

ШУКУҲ



Юзи келдинг,
гўзал Баҳор!

О, Баҳор, гўзал малак! Ох, сени бағоят соғиндик! Лаҳза-ю сонияларни санаб, интиқ-интизор кутдим сенинг ташрифингни, қўкламойим. Сулувгинам, қалбим чечгай, сен шу қадар мафтункорсанки, барча латофатли, малоҳатли қизларнинг исми сенинг номинг билан аталади: Гулбаҳор, Навбаҳор, Наврўзой, Баҳорой...

Кечагина муз кўрпалари остида совуқдан титраётган она замин сенинг илиқ тафтингдан юзлари лоладек қизариб, тириклик қўшини бошлади. Унинг ажиб қўшиғидан майсалар тебраниб, рақсга тушади. Шаббодда нозлиб-нозлаиб юзларингдан ўлади. Куртакка лаб урган новдалар қора ғўдир либосини ечиб, пушти гулли яшил қўйлак кийиб олганидан шодланиб, табассум-ла гунчасини қуёшда тоблайди. Баҳорни эртарақ қаршилаган бодом шохларини эгиб, ёнидаги шафтолини турткилайди. Шафтолийи ухлаб қолганидан озорланиб, бутокларини гулнор гуллар билан чунон безайдики, ҳали ҳам жигарранг тўнини ечмаган беҳийо хижолатдан кўкиш-кумушранг барглари эзиб юборди... Гуллаёлмаётган анжир эса алам-ла бирйўла олтин маржондек меваларини туғишга тушади.

Толғу кирлардан оқиб келаётган шарқироқ сойлар ҳавода учиб юрган ўриг-у гилосларнинг нимпушти гулларини юзларига холдек кўндириб, мавж уради. Адирликлар алвон, олтинранг лоззорлар оғушида хаёлга чўмган қизил-сарик дуррачели малакдек гўзал. Саймоингда сузиб юрган оқ-мовий, зангор-ферузаранг булутлар уйкашиб, заминга ёпилган улкан рангдор гулдор гумбазни эслатади.

3-6


ЎЗЛИК

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАН, ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИНГАН ЖОЙДА, АЛБАТТА, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги

Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши ҳамда ифторлик маросимида иштирок этди.

Маросимга худудлардаги студиялар орқали нурунийлар, олим уламолар, кенг жамоатчилик вакиллари уланди. Шунингдек, турли миллат ва диний конфессиялар аъзолари, дипломатик корпус намоёндалари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.



Тadbир аввалида давлатимиз раҳбари бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор чин қалбдан табриклади. Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғ-саломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукрлар айтилди.

Рамазон ойи – меҳр-оқибат, эзгулик ва савобли амаллар рамзи. Бугунги кунда давлат ва нодавлат ташкилотлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Махаллалар уюшмаси, Мусулмонлар идорасининг "Вақф" хайрия жамоат фонди, худудлардаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари, шунингдек, саховатли тadbиркорлар томонидан кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилалар, кўмакка муҳтож инсонларга

моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Тиббиёт бўлинмалари олис ва чекка худудларга чиқиб, аёллар, болалар ва нурунийларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда, оғир беморларни операция йўли билан даволаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундай хайрли ишлар жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва умуммиллий бирлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги гоят тахликали замонда тинчлик

нақадар улуг ва бебаҳо неъматлигини, 38 миллиондан зиёд аҳолимиз ягона халқ, аҳил бир оила бўлиб яшаётгани энг катта бойлигимиз эканини янада чуқур ҳис этиш зарурлигини таъкидлади. Даврада Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ҳам қатнашаётгани муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик қадриятларига, мамлакатимизнинг очиқлик сиёсатига хурмат ифодаси сифатида баҳоланди.

3-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЮШМА РАҲБАРИ ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



"Ёшлар куни" доирасида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шухрат Орипов ёш журналистлар билан очик мулоқот қилди.

Мазкур тadbирда турли ОАВларда фаолият юритаётган 50 нафарга яқин ёш журналистлар ва журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга бевосита соҳа раҳбаридан жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Учрашувда ёшларнинг касбий малакаси, журналистикада янги имкониятлар, истиқболли лойиҳалар, ижодий ташаббуслар ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Айниқса, Уюшма фаолиятида ёшлар иштирокини фаоллаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари учрашувнинг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Қизгин кечган мулоқотда ёшлар томонидан журналистика соҳаси ривожига доир қатор тақлифлар ҳам билдирилди.

Бухоро давлат университетига Бухоро журналистикаси ривожига катта ҳисса қўшган 12 нафар устоз журналистни эътироф этиш мақсади билан "Эҳтиром ва эътироф 70+" тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тadbир йиллар давомида сўз масъулиятини елкасида кўтариб келган заҳматкаш устозларнинг самимий дийдор учрашувига айланди.

Тadbир давомида Бухоро матбуотининг бир асрлик та-



рихи ҳамда ушбу тарихни яратган фидойи журналистларнинг ибратли ҳаёт йўли акс эттирилган "Вақт занжир" номли махсус видео-

лойиҳа намоиш этилди. Шунингдек, 70 ёшдан ошган, кўп йиллик меҳнати билан Бухоро вилояти матбуоти ривожига муносиб ҳисса қўшган 12 на-

3-6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу ерда “Ўзбекистон заминиди исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозиция заллари мавжуд.

Албатта, уларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Музей экспозициясини шакллантириш ва бойитиш бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзиди 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий кўлэма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилгани ҳам шундан далолат беради.

Айни вақтда хорижий аукцион уйлари, йирик коллекционер ва арт дилерлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 743 та экспонатнинг оригинал, яъни, асл нусхалари юртимизга келтирилди.

Бундай ишлар илгари тарихимизда бўлмаган эди.

Бу экспонатларнинг ҳар бири – буюк ўтмиш ва маданиятимиз, миллий ўзгиримиз тимсоли эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг барчаси замонар синовидан мардона ўтиб келаётган халқимиз, миллатимизнинг онгу тафаккури, бунёдкорона меҳнати, ноёб маҳорати ҳақида сўзлайди.

Тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараккият ва адолат бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!

Марказнинг асосий зали, таъбир жоиз бўлса, қалби – бу, ҳеч шубҳасиз, муқаддас Куръон залидир. Бу ерда дунёдаги энг қадимий 6 та Куръони каримнинг бири бўлган мў-

табар Усмон Мушхафи бугун ўзининг юксак мақомига муносиб шарафли ўрин топди.

Шунингдек, ушбу залда турли даврларга оид нодир Куръон кўлэмалари ҳам жамланган. Шу муборак кунда барчамиз, Худонинг инояти билан, мана шундай ноёб ва муқаддас Усмон Куръонининг илоҳий шарофати билан юртимиз доимо тинч-осойишта бўлсин, ҳаётимиз кут-барақага тўлсин, деб дуо қиламиз.

Қадрли дўстлар!

Ислом цивилизацияси марказига 2025 йилнинг ўзиди минглаб хорижий меҳмонлар ташриф буюргани унинг ҳозирда ноёб жажон миқёсида катта қизиқиш ва эътибор уйғотаётганини тасдиқлайди. Меҳмонлар орасида бир қатор давлатлар президентлари, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутатлар, сенатор ва лордлар, вазирлар ва элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари борлигини таъкидлаш лозим.

Марказни лойihalаш, қуриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа қатор мамлакатлардан юксак малакали мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди.

Ушбу мажмуани бунёд этишга муносиб хисса қўшган лойиҳачи ва қурувчиларга, моҳир муҳандислар, олим уламоларга, хорижий ҳамкор ва экспертларга, жумладан, Ўзбекистон маданият меросини ўрганиш, сақлаш ва омалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти аъзоларига, барча фидойи инсонларга чин дил-

дан миннатдорлик билдираман.

Бундай йирик ва мураккаб маданият иншоотни қуришда ҳомийлик ёрдамини кўрсатган маҳаллий ва чет эллик тадбиркорлар, маданият ва спорт намоёндаларига алоҳида раҳмат айтаман. Хусусан, биринчилар қаторида ташаббус кўрсатиб, зарур маблағ, гоё ва ноёб тарихий экспонатлар тақдим этгани учун ҳурматли ватандошимиз, машҳур меценат ва бизнесмен Алишер Бурҳонович Усмоновга самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқимиз бундай олижаноблик, саховат ва эътиборни юксак қадрлайди.

Бу улғу ишга қўшган ҳиссангизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Катта раҳмат Сизга!

Азиз дўстлар!

Ислом цивилизацияси марказини барпо этишга киришар эканмиз, мен, дунёнинг қаерида бўлмасин, тарихимизга тегишли бир варақ кўлэма бўлса ҳам, битта экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукрки, бугун ана шу мақсадимизга аста-секин эришяпмиз. Бу ишларни, албатта, давом эттираман.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланётган ноёб кўлэмаларни аниқлаш ва ўрганиш учун яна халқаро илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг учун зарур маблағ ва имкониятларни толамиз. Бу ишларга маҳаллий ва хорижий олимлар, етакчи халқаро илмий марказларни жалб этаман.

Марказ фаолиятини кенг миқёсда йўлга қўйиш мақсадида бу ерда АЙСЕКСО, ИРСИКА, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Фран-

циядаги Темурийлар жамияти, ТУРКСОЙ каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда улар учун офис хоналари ташкил этилди. Энди улар билан ҳамкорликни кучайтириш учун барча зарур шароитларни яратиб берамиз.

Марказда муқаддас динимизнинг эзгу қадриятларини асраб, диний-маърифий соҳа ривожига муносиб хисса қўшиб келаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам ўзининг янги қароргоҳига эга бўлди.

Бу даргоҳда ислом меросини чуқур ўрганиш, диний ходимлар, имом-хатибларнинг малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишларини ташкил этиш, ўйлаш-максадга мувофиқдир.

Биз яқин келгусида БМТ қароргоҳида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг тақдиротларини ҳам ўтказамиз.

Мухтасар айтганда, ушбу Марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятимиз учун фундаментал база бўлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларни шу ерда ўқийди, ўқитувчи-домлалар эса ўз билим ва малакасини оширади.

Марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улғубеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар этишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак.

Бу – барчамизнинг эзгу нијатимиздир.

Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши учун мен илм-фан ва маънавият фидойиларига –

ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва расомлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга муражаат қилмоқчиман:

Ислом цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунаси. Уларни тарғиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянамиз.

Бу тенгсиз бойлиқдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадиий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар: уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин!

Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин!

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий ғурур мактабига айлансин!

Хурматли анжуман қатнашчилари! Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ўлмас мероси дунё турғунча турсин, деб тилак билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Ислом цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон ақлига ҳамisha беминнат хизмат қилсин!

Мана шундай улғу ишларнинг бунёдкори бўлган мард ва олижаноб халқимиз доимо омон бўлсин!

Муқаддас Рамазон ойида тугаётган рўзаларимиз, қилаётган ибодатларимиз даргоҳида қабул бўлсин!

Яратган Парвардигор халқимизни, Ватанимизни ўз паноҳида асрасин!

Барчангизга катта раҳмат, доимо соғ-омон бўлинглар!

МУНОСАБАТ

ИМКОНИЯТЛАР БЕҚИЁС НАТИЖАЛАРГА ЭЛТАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 24 феврал кун ишлар билан ўтказган очиқ ва самимий учрашуви мамлакатимизнинг келажаги, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган мутлақо янги босқични бошлаб берган тарихий воқеа бўлди, десак, хато бўлмайди. Ушбу учрашувада кўтарилган масалалар ёшларимизнинг таълим, ижодий ва спортдаги ютуқларидан тортиб, уларни тадбиркорликка жалб қилишга бўлган кенг қўллаб-қувватлашнинг ўз ичига олди.

Бугунги кунда юртимизда 22 миллиондан ортиқ ёшлар бор. Бу — улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч. Зероки, ёшларга қаратилаётган ҳар бир ташаббус — бу мамлакат келажагига қилинган стратегик инвестициядир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ёшларимизнинг ҳеч бири давлат эътиборидан четда қолмаслиги керак. Шунинг учун ёшларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш, спортга қизиқтириш, ижодкорлик ва ижтимоий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Юртимиз ёшларининг турли соҳаларда эришган ютуқлари бунга яққол мисолдир. Хусусан, сўнгги йилларда халқаро спорт мусобақаларида мамлакатимиз бўйича 700 дан ортиқ олтин, 600 дан ортиқ кумуш, 800 дан зиёд бронза медалларининг қўлга киритилгани Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрўсини янада оширмоқда.



Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси орасида оммавий спорт билан шугullanувчилар сони 15 миллион нафардан ошгани эса бу йўналишдаги ишлар самарадорлигининг жуда баландлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилган ушбу ютуқларга эришган спортчилар қаторида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаларининг ҳам борлиги, биргина 2025 йилда бўлиб ўтган

XXXII Бутунжаҳон ёғи Универсиада ўйинларида талабаларимиздан Тахмина Икромова, Нажмиддин Қосимхожиев, Шарифа Давронова, Шоҳжаҳон Каримбоев, Марат Мавлонов, Шамсиддин Курбанов делегациямиз ҳисобида 4 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўшиб қўйгани ёки тарихимизда илк бор жаҳон чемпионатида йўлланма олган футбол терма жамоамиз сафиди муносиб иштирок этиб келаётган, дунё тан олган Абдуқодир Хусанов, Аббосбек Файзуллаев, Фаррух Сайфиев каби маҳоратли футболчиларни етиштириб келаётгани фахр туйғусини уйғотиши билан бирга, келгусидаги халқаро мусобақалар ва жаҳон биринчиликларида иштирок этадиган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш, уларни саралаш, натижадорликни ошириш ҳамда илмий-услубий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида университетимиз олдида қатор долзарб вазифаларни ҳам қўяди.

Зеро, замонавий спорт фақат жисмоний тайёргарлик билангина эмас, балки илмий ёндашув, инновацион технологиялар, спорт психологияси ва тахлили методлар асосида тизимли фаолият юритишни талаб этади. Шу боис университетимиз зиммасига юклатилган масъулият янада ортиб, миллий спорт таракқиётининг муҳим илмий-амалий таянчига айланиш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Келажак тадбиркори”, “Янги

авлод тадбиркорлари”, “Ёшлар бизнес инкубатори”, “УПШИФТ” каби дастурлар ёшларимизнинг иқтисодий ва ижодий фаоллигини



оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, “Келажак тадбиркори” дастури орқали 7 йил муддатга йиллик 15 фозиллик устама асосида имтиёзли кредитлар берилиши ёшлар учун катта имконият, уларга ўз бизнес гоёларини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Таълим муассасалари, жумладан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳам ушбу ташаббусларнинг ижросини таъминлашни ўзининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олган. Биз ёшларни янада сифатли таълим билан қамраб олиш, уларни халқаро мезонларга мос кадр сифатида тайёрлаш, инновацион гоёларни қўллаб-қувватлаш устида тинимсиз ишлаймиз.

Ёшларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, волонтерликни ривожлантириш, уларнинг фикр ва ташаббусларини қадрлаш — бугунги кун талаби. Чунки ёшларимизнинг келажаги — бу, аввало, бизнинг келажагимиздир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу учрашуви яна бир бор давлат томонидан ёшларга бўлган юксак эътибор ва ишончининг амалий тасдиғи бўлди. Биз, университет жамоаси, ёшларнинг овозини эшитишга, уларни қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ҳар бир ташаббусини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни сафарбар этишга доимо тайёрмиз.

Айни пайтда келажагимиз давомчиларига яратилаётган имкониятлар улкан бўлиши билан бирга, улардан онгли ва масъулиятли фойдаланишни ҳам талаб этади. Ҳар бир талаба ўз келажаги учун жавобгар эканини чуқур ҳис этиб, билимга, касбга, тил ўрганишга, тадбиркорлик ва ижтимоий фаолликка интилиши зарур. Зеро, имконият — бу тайёр натижа эмас, балки меҳнат ва интилиш орқали муваффақиятга эришиш йўлидир.

Рашид МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори,
профессор.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАН, ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИНГАН ЖОЙДА, АЛБАТТА, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ БЎЛАДИ

1-6. Бу кун халқимиз учун яна бир тарихий воқеа – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросими ўтказилган кун экани алоҳида таъкидланди.

– Не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўйга чиққан мана шундай унутилмас кун билан, чинакам илм-маърифат байрами билан ҳаммангизни чин қалбимдан табриқлайман.

Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданиятининг, Янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва буюк мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, – деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, юртимизда ривожланган давлат ва эркин жамият пойдеворини барпо этиш учун “Энг аввало, илм ва таълим” деган олий мақсад ҳаётга жорий этилмоқда. Зеро, муқаддас ислом дини ҳам инсонни доимо илму маърифатга даъват этади. Шу боис, Ислом цивилизацияси марказининг Улуғбек дарвозаси пештоқида Куръони каримнинг “Икра” – “Ўқи” деган муборак ояти муҳрлаб қўйилгани рамзий ва теран маънога эга экани айтилди.

Маркази барпо этиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган эзгу ташаббус жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Лойиҳа шошилинч эмас, чуқур ўйланган, илмий-тадқиқот ва изланишлар билан уйғун ҳолда амалга оширилди. Натижада Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида бетакрор архитектурага, чинакам миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарона шаҳарча қад ростлади.

Марказда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва цивилизацияси дурдоналарини ягона маърифий маконда қўриш, шу асосда халқимизнинг интеллектуал ва маданий салоҳиятини янада теран англаш мумкин.

– Бу макан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етади, ўзининг қандай улўғ мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби гурур ва ифтихорга тўлади, – деди Президентимиз.

Нафақат юртимиз, балки бутун минтақанинг маънавий мулки бўлган бебаҳо бойлиқни чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида уни Ислом цивилизацияси деган ном остида бирлаштиришга қарор қилинган айтилди. Халқаро экспертлар эътирофи эганидек, бугун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб шаклланаётгани, мамлакатимиз ўзининг қанчалик катта интеллектуал салоҳияти борлигини дунёга намойён эта олгани таъкидланди.

Президентимиз марказнинг қўлама ва имкониятлари ҳақида тўхталиб, ушбу ноёб мажмуа салкам 10 гектар ҳудудда жойлашгани, бинонинг умумий фойдаланиш майдони 50 минг квадрат метри ташкил этишини қайд этди. Бу ерда “Ўзбекистон заминиди исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозиция заллари мавжуд.

Музей экспозициясини шакллантириш ва бойитиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилиб, ўтган йилнинг ўзида 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий қўлёзма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилган. Хорижий аукцион уйлари, йирик коллекционерлар ва арт-дилерлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 743 та экспонатнинг асл нусхалари юртимизга келтирилгани таъкидланди.

Марказнинг асосий зали – муқаддас Куръон залида дунёдаги энг қадимий олтига Куръони каримдан бири бўлган мўътабар Усмон Мусҳафий ўзининг юксак мақомиди муносиб шарафли ўрин толган. Шунингдек, турли даврларга оид нодир Куръон қўлёзмалари ҳам шу ерда жамланган.

Қайд этилганидек, Ислом цивилизацияси маркази 2025 йилнинг ўзидаёқ минглаб хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар орасида қатор давлатлар президенти, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутат ва сенаторлар, вазирилар, элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари бор. Марказни лойиҳалаш, қўриш ва замонвий ахборот техноло-

гиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан малакали мутахассислар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар, олим уламо-лар, хорижий ҳамкор ва экспертларга, жумладан, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти аъзоларига, барча фидойи инсонларга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, мазкур йирик ва мураккаб маданий иншоотни қуришда ҳомийлик ёрдамини кўрсатган маҳаллий ва чет эллик тадбиркорлар, маданият ва спорт намоёндаларига алоҳида раҳмат айтилди.

– Ислом цивилизацияси марказини барпо этишга киришар эканмиз, мен, дунёнинг қаерида бўлмасин, тарихимизга тегишли бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, битта экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукри, бугун аша шу мақсадимизга аста-секин эришганимиз. Бу ишларни, албатта, давом эттирамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни аниқлаш ва ўрганиш учун янги халқаро илмий экспедициялар ташкил этилиши таъкидланди. Бу ишларга маҳаллий ва хорижий олимлар, етакчи халқаро илмий марказлар кенг жалб этилади. Шунингдек, Марказ фаолиятини кенг қўлама йўлга қўйиш мақсадида бу ерда ICESCO, IRCICA, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Франциядаги Темурийлар жамияти, TURKSOY каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида офислар ташкил этилгани қайд этилди. Энди улар билан ҳамкорликни янада қучайтириш учун барча зарур шароитлар яратилиши белгиланди.

Марказда Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳам ўзининг янги қароргоҳига эга бўлгани, бу ерда ислом меросини чуқур ўрганиш, диний ҳодимлар ва имом-хатиблар малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

Яқин келажақда БМТ қароргоҳида ҳам Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг тақдимотларини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолият учун фундаментал база бўлишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларда шу ерда ўқиши, ўқитувчи-домларга эса ўз билими ва малакасини ошириши назарда тутилган. Энг муҳими, марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улўғбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши кераклиги қайд этилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари олим ва тадқиқотчилар, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва рассомлар, журналистлар, ижодкор ёшларга мурожаат қилди:

– Бу тенгсиз бойлиқдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин! Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин! Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий ғурур мактабига айлансин! – деди Президентимиз.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази эл-юртимиз ва жаҳон аҳлига ҳаммиша беминнат хизмат қиладиган тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат майдони бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ифторлик маросимида Куръони каримдан тиловат қилинди. Муқаддас Рамазон ойида тугилаётган рўзалар, қилинаётган ибодатлар қабул бўлиши, Яратган Парвардигор халқимизни ва Ватанимизни ўз паноҳида асрашини сўраб, дуолар қилинди.



Юши келдинг, гўзал Баҳор!

1-6. Қўёшни соғинган бойчечак гулбарглари унинг нурида тоблайдди. Ҳар замон, ҳар замонда эса кўкка боқиб, “кетма, кетма, кетма” деб ёлбораётгандай нафис тебранди.

Ҳайвоннинг эшигини ланг очиб қўйган бувижонлар қанотларига хуррамлик олиб келган қалдиригочларни хушуд қаршилайдди. “Келдингми, қалдиригочим, тезроқ уйингни қур, сенга маҳталман”, дея қўлларини дуога очди. Жажжи болакай қалдиригочга кўмак бермоқ мақсадида айвон олдида хас-чўпларни йиғиб қўяди.

Баҳор! Сен ҳар йили борлиқни латофату малоҳатга буркаб, қайтаверасан. Кўклайоим, сен замин зийнати-ю фаслар гулчечасин! Инсон умрининг ортага қайтмас олтин таҳзаларисан! Сен ошиқлару шоирлар қўлига қалам тутқазасан. Не бахтки, улар ҳамон сенинг сеҳрли васфингни қуйламоқдалар ва сенга ташбех изламоқдалар. Аслида эса сенинг қиёсинг йўқ, баҳорим!

Даласидаги оппоқ қорини қайноқ қафтга олиб, қалб ҳарорати-ла эритаётган бободехқоним! Қишнинг ҳар лаҳзасини шошқин кузатиб, Баҳоройни интиқ кутаётган заҳматқашим! Қорли кўрпалар остида ётган замин залворли кетмонинг зарбидан майинлашиб эврилади. “Ахир баҳор келди!” дейсан хайқириб! Мудраб ётган момо ер овозингдан сесканиб, ям-яшил қўйлагини кийиб, хузуригга ошиқдай. Бободехқоним келди, дейди шодумон силкиниб.

— Ассалом, она замин! — дейди деҳқон кетмонининг ҳар зарбидан ўт қақнатиб. — Қани, Баҳоройим, сулув келинчақдек зеболан, она табиятни ясаб, бағрингни гулу чечакларга бурка, дарахтларга яшил либос кийдир, сергул, сермева айла, уруғларни ундир, одамларга завқ-шавқ улаш, кўрган кўзларни қулдир, — дейди яна гулдурракдек ўткир овозда. Сўнг бироз майинлашиб, “Кўклайоим, кўкингдан, меҳрингдан бир чимдимгина бер, сени беҳад соғиндим”, дейди ёлбориб. Сўнг эса баҳор саси уфурётган заминга худди саждага бош қўяётгандек лаб босади. Оҳ, она тупроқ таъми! Деҳқонбобо мамнун жилмаяди. Худдики ҳозиргина тандирдан узилган ноннинг ҳарорати бор-а! У бир сиқимгина тупроқни қўлларига олди. Шугинага зор бўлиб ўтган шох Бобурнинг аламли фарёди қулоқларига

чалингандек бўлиб, кўзларида ёш қалқди. “Сендан айро яшаб бўлмайди, ОТА ЕР!” деган қатъий ўй ўтди юрагининг қаъридан. Тупроқни авайлаб, боши узар самога сочди. Емгирдек ёйилган тупроқ деҳқоннинг юз-кўзларига кўнди...

“Баҳорда Баҳмалда тугилган кўзинг, Араб охусидан азизроқ манга...” деди у ички титроқ-ла ўзи беҳад суядиган содда шоир Муҳаммад Юсуфнинг ҳар такрорлаганда вуҷудини ларзага соладиган қўйма сатрларини қўйга солиб. Баҳорни соғинган деҳқон далаларни узоқ айланди. Қўёшнинг заррин нурларида исиниб, қанотларини тоблаётган турфа қушлар чуғури, гулғунчалардан бўса олаётган капалаклар, чайқалиб чирманда чалаётган чучумалар, самога сепини ёйган камалаклар, осмонда сузиб юрган ферузаранг булутлар уммони, тўлиб-тўлиб оқаётган анҳорлар шивири унинг қалбига туганмас ва ифодалаб бўлмас завқ бахш этарди. Она диёримизни чор тарафдан бағрига босиб қучиб ётган асрий пурвиқор тоғлар ҳамон бободехқоннинг овозига акс-садо беради: “Кўклайоим, кўкингдан бер бир чимдим, бир чимдим...” Баҳор бободехқонни, бободехқон эса баҳорни гоят соғинган эди. Бу ўша улар интиқ-интизор кутган эрка фаслнинг ибтидоси, жўшқин ва жозибали кун эди.

Кўклайоим, кўклайоим, илиқ, ошўфта бағрингни соғиндим! Сени ким ҳам соғинмайди, аслида, сени ким ҳам соғинмас, баҳор? Деҳқонбобо самони тўлдириб учаётган бижилдоқ қушлар чуғурига тикилди. Қўёшни соғинган момо-ю боболар далаларга, қалби олов ёш-яланглр лопазор қўйнига ошиқайтирлар. Чаккаларига бойчечак таққан қизчалар алвон қўйлақларини ҳилпиратиб тоғ ён-бағирларида елиб югурадилар. Болажонлар варрақларини оппоқ, ферузаранг булутлар сузиб юрган само остонасигача учирадилар. Мўъжизавий боғларимизда пушти, нимпушти, қизил ва сариқ рангларда очилган гилос, ўрик, бодом, шафтоли гуллари баҳорий эпкинда тебраниб, ажиб гуллар рақсини яратаёттир. Бир туп ўрик гўзал гулларини тўққиси келмай, гунчаойларини шаббодадан қизғониб бошларини эгади. Бироқ шўх шаббодаой ҳам бўш келмай, гулларнинг сочларидан тортиқилайди. Қишда совуқдан қорайган баданларини рангдор қўйлақлари билан яшириб олган дарахтлар байрамга отланган келинчақдек ясаниб олишган. Бутун борлиқ гоят мафтункор, беҳад гўзал манзара кашф этган, баҳорий севинч уйғонган ошўфта қалблар муҳаббат ошёнига айланган.

О, она заминга ҳаёт, тириклик бахш этувчи кудратли ва гўзал малагим, баҳоройим, ташрифинг муборак!

Мастураҳон САИДМУРОДОВА

ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

1-6. — Ушбу тадбир устозлар тажрибаси, фахрий журналистлар учрашуви, Бухоро матбуоти тарихининг тирик саҳифалари ҳамда авлодлар ўртасидаги маънавий кўприк сифатида алоҳида аҳамият касб этди, — деди Уюшманинг вилоят бўлими раиси Г.Иброҳимова. — Бир сўз билан айтганда, уч авлод учрашуви, ҳамкасблар мулоқоти ва бўлажак ёш журналистлар учун ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди.

“ВИЖДОН ҲАЙҚИРИҒИ” ТАҚДИМОТИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда Навоий давлат университети ҳамкорлигида университетнинг фаоллар залида Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, вилоят “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Бобоқанд Мирзо (Умаров)нинг яқинда чоп этилган “Виждон ҳайқирғи” китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов олиб борди.

Тадбирда сўз олган профессор-ўқитувчилар, шоир ва ижодкорлар Бобоқанд Мирзонинг ижодий фаолиятига тўхталиб, муаллиф нафақат журналистика соҳаси, балки ўзбек адабиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаётган ижодкор сифатида танилганини таъкидлашди. Шунингдек, шоирнинг “Виждон ҳайқирғи” китоби ҳам фалсафий фикрларга бойлиги билан кенг жамоатчилик ва китобхонлар, шеърят ихлосмандлари қалбидан жой олиб улгурганлиги ҳамда вилоятимиз адабий-маънавий муҳитини янги асар билан бойитганлиги қайд этилди.

Адабий кеча давомида Бобоқанд Мирзо мазкур китобдан ўрин олган Ватани, юртни, ватанпарварликни тараннум этувчи ўзига хос гўзал ташбехлар билан йўрилган шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ҚУТЛОВ

Biznesni Rivojlantirish Banki

muborak bolsin!


www.brb.uz

1254

ГУРУНГ

ИЖОДКОРНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Таниқли адиб ва журналист Сотим Авазнинг 20 дан зиёд китоблари чиққан. “Хоразм ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Урганч оқшоми” газеталарида самарали меҳнат қилган отахон журналист шоир, адиб, адабиётшунос ҳамдир. У “Мангулик сўқмоғи”, “Мурувват чоғи”, “Темурғози тўра”, “Рутба” каби романлари, “Мадраҳим Шерозий”, “Йиллар ва йўллар”, “Кўна қалъа” қиссалари, “Кечиккан баҳор”, “Тонги ҳислар”, “Хуқуқ”, “Нозбўйларим”, “Дил ва манзил”, “Ифтихор гуллари” шеърӣ китоблари, “Андиша боғи” эсселар тўплами, “Шафоат”, “Шарофат” девонлари муаллифидир.



Отахон ёзувчи Сотим Аваз билан суҳбатлашгани йўлга чиқдим. “Ажабо, уйини билмасам, қандай топиб олар эканман?” деган ҳадик билан телефонда болгандим.

— 9-рақамли автобуста чиқиб, мен айтган бекатда тушсанг, кўчанинг бошида ўзим кутиб оламан, — деди устоз.

Худди айтганларидек, устоз кўчанинг бошида кутиб олди.

Файзли, чиройли қилиб қурилган ховлига кириб бордик.

— Шарофат, ҳой Шарофат, бу ёққа чиқ, мен айтган шогирдим келди, — дея турмуш ўртоғини чорладилар устоз.

Гул-гул ёниб, хуш табассум билан чиқиб келган устознинг умр йўлдошлари қуюққина кўришиб, сўрашдилар. Устоз суҳбатни ўзлари истаганча бошладилар:

— Ҳар бир инсоннинг севимли газетаси бўлади. Мен учун ана шундай азиз нашрлардан бири “Нурғулат” газетасидир, — деди устоз сўзини узоқдан бошлаб. — Газета саҳифаларидаги ранг-баранглик, айниқса, танқидий-таҳлилий мақолаларнинг кўпчилиги доимо эътиборимни тортди келади. Узимнинг ҳам шу газетада қатор мақолаларим чиққанлиги учунми, “Нурғулат”га меҳрим ўзгача. Ҳар ҳафтада унинг янги сонини қўлимга олар эканман, ҳар бир мақолани гоҳат қизиқиб билан ўқиб чиқаман. Газета одамга маънавий руҳ, ҳузур бағишлайди...

Шу ўринда қаламкаш учун китобнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Болалиқда уйимизга туташ мўъжазгина кутубхонадаги аксарият китобларни ўқиб чиққанман, десам, муҳаббат билан ўқиб чиқаман. Газета одамга маънавий руҳ, ҳузур бағишлайди...

— Яқинда Урганч шаҳрида ёшлар билан китоб ўқиш масалаларида бағиш-

лаб, таъсирчан анжуман ўтказилди. Шу тадбирда энг нодир китоблар, хусусан, “Авесто” ҳақида улғу аллома-ларнинг ижодий мероси тўғрисида тўхтадим. Назаримда, китоб билан дўст тутинмаган одам кўзи сўқир одамга ўхшайди. Ижодий ишларга, хусусан, шеърӣятга, журналистикага, илму ҳикматга бағишланган китобсеварлар анжумани катта таассуротларга бой бўлди.

Китобга меҳру муҳаббат уйғотишда устозларнинг ўрни беқиёс. Аввало, уларни тирик китоблар сифатида тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта мактабда, кейин педагогика институти (ҳозирги Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети)да қалби дарё устозлардан сабоқ олдик. Ундан кейин тажрибали журналистлардан билолмаганимизни ўргандик. “Хоразм ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Урганч оқшоми” газеталари таҳририятларининг ҳар бири ўзига хос дорилфунун бўлди мен учун.

Таҳририятда хизмат қилиш — қони машаққат. Уртамеъна қаламкаш сифатида борди-келдида узоқ юриш мумкин эмас. Лекин Эркин Самандаров, Неймат Солаев, Матназар Абдулҳақимов, Уллуби Отаева сингари устозлар одамнинг иқтидорини бир қарашдаёқ билишар эди.

Бир куни “Хоразм ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Эркин Самандаров (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) хонасига чақиртириб, сўз билан ишлаш юзасидан қимматли маслаҳатларни бердилар:

— Бир тилда ўйлаб, иккинчи тилда гапириш — тилнинг софлигини ва гўзаллигини бузади. Сизлар тилни юксалтириувчисизлар!

Шундан сўнг таржималардаги номукамалликлар ҳақида суҳбатлашдик. Эркин Самандаров қобилиятли қаламкаш ёшларни таҳририятга тўплардилар...

Умуман олганда, қаламкашнинг

икки забардаст қаноти бор: бири — бадий адабиёт (у кўпроқ қўқда учади), яна бири публицистикадир. У она заминда илму ҳикмат тўплайди. Иккаласи ҳам ўзаро тортишиб туради.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарлари гўё қаламкашнинг қанотларига нур каби қувват бахш этади. Гоҳо мақола ва шеърӣ асар бир-бирига сингиб, эшилиб кетади. Айниқса, бу хориж адабиётида яққол кўзга ташланади. Утган асрнинг сўнги чорагида Эркин Самандар “Хоразм ҳақиқати” таҳририятини кўплаб ёш ижодкорлар билан мустаҳкамлади. Уша пайтда мен ҳам таҳририятга қўшилганман, — деди устоз Сотим Аваз.

— Устоз, Сизнинг Темурғози тўра ҳақидаги китобингизни ўқигандим. Бу асарни ёзишга сизга нима туртки берган?

— 1992 йил. Устоз адиб Анвар Обиджон Хивага ташриф буюрди. У кишига сафар давомида ҳамроҳ бўлдим. Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳидан тиловат қилиб, ёнбошдаги хужрага кирдик. У ерда одам бўйи келадиган суратлар жойлаштирилган экан. Устоз ўн икки-ўн уч ёшдаги оспириннинг суратини кўриб, қотиб қолди. Сўнг андак ғазабнок ва таажжуб билан шундай савол берди:

— Бу бола ким?

Устозга Темурғози тўра ва унинг аянгли қисмати ҳақида билганимча гапириб бердим.

— Бу болаки Хоразмнинг Мўмин мирзоси. У алғов-далғов замона қурбони бўлган. — Сотимжон, сизлар қанақа ёзувчисизлар? Наҳотки шу суратни тор хужрадан бошқа ерга қўйиб кераклигини билмасангиз? У журналларнинг муқовасини беэҳтибот қилишни тўшунмасангиз? Уха, Сиздан илтимос, Мухаммад Раҳимон Ферузининг набираси ҳақида бир бадий асар ёзиб берсангиз...

Шундан сўнг Тошкентда Анвар

Обиджон устозни бир-икки марта учратдим. У киши мени кўриши билан дарров Темурғози тўра ҳақида ижодий иш қандай бораётганини сўради. Аммо мен “ишлаямиз”дан нарига ўтолмадим.

Хуллас, устознинг эзгу ташаббуси шу тариқа хайри ишга етаклади. Умуман олганда, “Темурғози тўра”ни уч марта қайта ёздим. Охири ўзининг кўнглим ҳам бир қадар тўлди. Таҳрир ва сўз устида ишлашни кўнглим доим истаб-соғиниб туради. Иш столим устида доим “Навоий асарлари тилининг изоҳли лўғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли лўғати”, профессор Отаназар Мадраҳимовнинг “Ўғуз лажаси тилининг изоҳли лўғати” туради. Уларни ҳар куни ўқиб-ўрганаман, десам, муволаға эмас...

— Устоз, Сиз жуда кўп ўқиб изла-

лаш мақсадга мувофиқ туюлди. Қолаверса, Хоразм вилоятининг Шовот туманида Юсуф Ҳамадоний — Улли пир зиёратгоҳи мавжуд. Уни зиёрат қилиш учун узоқ-яқиндан зиёратчилар ташриф буюради.

1994 йилда Юсуф Ҳамадоний таваллуд топган Ҳамадондаги Бўзанжир қишлоғига Хоразм илм-фан, адабиёт, санъат, намояндалари бориб келдик. Бир илм олдин эса Туркиянинг Сильван шаҳрида бўлиб, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди изларини аниқлаштириб қайтган эдик.

Темурғози тўра — Ферузининг набираси. Унинг қисматида Мўмин мирзо тақдир тақорлангандай гўё. Шу тарихи тарихга бадий мурожаат фаолиятининг асосини ташкил эта бошлади. Натижада “Мурувват чоғи”, “Мангулик сўқмоғи” китоблари ҳам

лади. Умуман олганда, республика ва вилоят газеталарида икки юзга яқин турли жанрлардаги мақолаларим эълон қилинган. Камтарона ижодим учун “Дўстлик” ордени билан мукофотланганман. Шунингдек, 2015 йилда “Энг улғу, энг азиз” республика танловида 1-урини эгаллаганман. Жами 20 дан зиёд публицистик ва бадий асарларим чоп этилган.

— Сотимбой оға, газетхонлар оилавий ҳаётингиз ҳақида ҳам билишни истайдилар...

— Турмуш ўртоғим Шарофат Авазова ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. У билан институтда бирга ўқиганмиз. Беш нафар қиз фарзандли бўлдик. Азалдан бир-биримизга меҳру хўрмат устувор. Рафиқам қирқ йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. У билан тил ва адабиёт, ижодкорнинг ўзига хос маҳорати тўғрисида суҳбатлашиб тураимиз. Асарларимнинг биринчи ўқувчиси кўпича Шарофат бўлади, десам, ёлгон эмас.

— Шунинг учун ҳам бир китобингизнинг номини “Шарофат” қўйиб, янгамизга бағишлаган экансиз-да...

Устоз ингилгина кулимсираб қўйдилар.

— Куёвларимиз ҳар қайсиёс ўз соҳасида муваффақиятли меҳнат қилишмоқда. Икки-учтадан фарзандлари бор. Улар ҳам ўзлари севган соҳасида ижодкор, десам, хато бўлмади.

Суҳбатимизни китобдан бошлаган эдим. Яна бир бор китоб ҳақида тўхталмоқчиман. Айниқса, набираларимнинг китоб ўқишларини, орзу-умид билан яшашларини кўриб, хурсанд бўламан. Бугунги ёшларга китоб ўқишни ҳар лаҳзада эслатиб туриш керак. Чунки китоб ўқимаган боланинг миясида маънавий бўлиш пайдо бўлади. Китоб эса одобни, иззат-хўрмат ва маънавиятни, маданиятни ўргатади...

— Устоз, бугунги болалар ҳақида, уларнинг тарбияси бобидаги фикрларингиз...

— Болаларнинг турли халқона ўйинлар билан шуғулланишлари учун кенг йўл очиб керак деб ўйлайман. Мен 17 ёшимда шашка спорти бўйича вилоят чемпиони бўлганман. Бу ўйиннинг нафини шу бугунгача кўп бора ҳис қилганман. Ҳар бир бола — бир дунё. Уларнинг қалбига кириш, уларни тинглаш, ўйлари билан қизиқиш шарт. Миясида нималарни фикрлаётганини билиш, нимага қизиқётганини ҳис қилиш, уларга янада яқинроқ бўлиш жуда муҳимдир!

— Сотимбой оға, самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат. Умингиз узоқ, саломатлигингиз мустаҳкам, ижодий ютуқлар ёр бўлсин!

Суҳбатдош: Феруза ТАҢРИБЕРГАНОВА, “Hurriyat” муҳбири.



насиз. Улуғларнинг ҳикматлари ҳақидаги фикрларингиз...

— Мавлоно Румий ҳазратларининг “қўринганинг каби бўл” ёхуд “бўлганиндай кўрин” ҳикматида тасаввуф оламнинг асосий мақсад-муддаоси жамулжам. Яъни ҳар бир муслим ва муслимага хос эътиқод ва садоқат тажассум топган. Акс ҳолда, унинг инсонийлиги, илми ҳоли ўткинчидир. Алишер Навоий ҳазратларининг “Насойимул муҳаббат” асарини қайта-қайта ўқиганим сари яна ўқигим келади. Охир-оқибат улғу аллома, “авлиёлар яратувчи шайх” Юсуф Ҳамадоний ҳақида маънавий-маърифий роман ёзиш истаги тўғилиди. Тасавуфда хожагон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланиши қайд этилади. Бугун эса бу тариқат илми бир нечта асарда, бир неча кўринишда акс эттирилади. Ана шу парокандаликни бир асосда жам-

юзага келди.

Публицистик асарларимни жамласам, катта икки жилд бўлибди. Уларни номлашда ҳам оҳори тўқилмаслик жиҳатларига алоҳида эътибор бераман. Мана, масалан, сўнги журналистик китобимни “Пайкал” деб номладим (пайкал — хоразмча “хушхабар етказувчи” маъносинда қўлланади). Ахир азалдан мавжуд пурмаёно сўзни қўлдан бой бериш, истемолдан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Адибнинг ютуғи — кўп жиҳатдан шу билан ҳам улланади.


Бу борада ҳам Ҳазрат Навоий “йўл кўрсатди” гўё. Улуғ бобокалонимиз асарлари изоҳли лўғатида “пайк” сўзининг маъноси аён кўрсатилган. “Пайк” сўзи — хушхабар етказувчи маъносини англатади. Бугун ҳам Хоразм шевасида шу сўз айнан хушхабардан дарак берувчи маъносини фойдалани-

ФИКР

ОДАМЛАР НИМА ДЕР ЭКАН?

“Reels” айланади. Ранг-баранг мавзулар, хайратга солувчи кадрлар кети узилмайди. Ҳар ким ўз дунёқарши, ўз ҳаётдан келиб чиқиб видео улашади. Мана бу ўқувчи ёш бўла туриб, “IELTS” сертификатини олибди, бошқаси оиласи билан хорижга саҳахатга кетибди, яна бири ҳашаматли ресторанда. Ҳозирги даврнинг ўзига хос ҳақиқатига айланган ҳодиса: кимнинг ҳаёти ҳақида билмоқчи бўлсангиз, ижтимоий тармоқларга кирсангиз кифоя. Мен ҳам ўзимча ўйлайман: “Қачон “Reels” оламан? Қачон хорижга сафар қиламан? Қачон ўша имкониятлар менга ҳам насиб қилади?” Кейин устозларимнинг сўзлари ёдимга тушади: “Ҳаётингиздаги ҳар бир майда деталларни ҳам оммага ҳавола қилаверманг. Сизда бор нарса бошқаларда бўлмаслиги мумкин”. Биз ўйлагандан ҳам кўпроқ жамият босими остида яшаймиз. Чунки ижтимоий босим ҳеч қачон “мен келдим” деб эшик қоқмайди; у энг майда одатларимиз, қарорларимиз, ҳатто хоҳишларимиз орасида секин-аста ўсиб боради.

ёхуд ижтимоий босим ҳақида мулоҳаза



Инсон табиатан тақлидга мойил. Одамлар нима кийди, қаерга борди, нималарга қизиқди — билмаган ҳолда бу бизнинг танловларимизга ҳам таъсир қилади. Бу ижтимоий босимнинг энг нозик қўринишларидан бири эканини сезамиз. Инсон ўзини кўпича бошқаларнинг баҳоси, фикри ва қиёслари орқали кўради. Бугун эса бу жараён айниқса тезлашди. Одамлар орасидаги фарқ кучайгани сари солиштириш ҳам ортди. Кимдир бошқалар кийган кийимга қизиқсади, кимдир уларнинг саҳахатларига ҳавас қилади, кимдир эса “мен ҳам шундай бўлишим керак” деган ички мажбуриятни ҳис қилади. Бу босимни кучайтираётган энг катта майдон — ижтимоий тармоқлар. “Instagram”, “TikTok”, “Facebook” ва бошқа платформаларда одамлар ҳаётининг фақат энг ёрқин, энг жилоли қисмларини жойлашади: байрамлар, чиройли фотосессиялар, оилавий йиғилишлар, безатилган дастурхонлар, сертификатлар, ютуқлар, сәҳахатлар... Аммо камера орқасидаги меҳнат, чарчоқ, ички курашлар, йиғи, хатолар — ҳақиқий ҳаёт кўринмайди. Кузатувчилар онгда бундай

идеал лавҳалар “реал ҳаётнинг меъёри”га айланади. Ва улар ўзини шу суратлар билан солиштира бошлайди. Хавотирли саволлар кўпаяди: “Нега мен ҳам шундай яшамаяпман?”, “Менда нимадир етишмаяптими?”, “Нега бошқалар мендан кўра бахтлироқ кўринади?” Бу саволлар одамнинг ички тинчини емириб боради, бориға шукр қилишни унутиб қўяди. Уз ютуқларини кўрмайди, фақат етишмаётган томонларини ўлчаб оради.

Ижтимоий босим ўқиш жараёнида, ишхонада, маҳаллада, ҳатто таниш-билишлар орасидаги мулоқотларда ҳам намоён бўлади. Масалан, талабалик даврида “у қайси грантни олди?”, “бошқалар қайси курсга қатнапти?”, “қайси ишга жойлашди?” каби саволлар босимдан солиштиришга ундайди. Иш муҳитида ҳам шундай: кимдир кимларгадир эргашиб кийинишга, бошқаларнинг иш услубига тақлид қилишга ёки ўзини мажбурлаб “меъёр”га мослаштиришга уринади. Маҳаллада эса кимнинг фарзанди нечанчи ўринни олди,

кимнинг уйи қандай таъмирланди, кимнинг машинаси янгироқ — буларнинг барчаси билиб-билмай инсон ички босимини кучайтиради. Танишлар орасидаги суҳбатларда эса баъзан моддий таққослаш, мавқени солиштириш ёки ютуқларни кўрсатишга интилиш ҳолатлари кўринмас босим манбаи бўлиб хизмат қилади. Энг ачинарлиси, одам кўпича бундай босимни ташқаридан эмас, ўзининг ичидан сезади. Чунки жамиятнинг “керак”, “шарт”, “бошқалар шундай қилади” деган ёзилмаган қоидалари инсоннинг қарорларини сездирмасдан бошқариб боради. Натижада инсон ўз хоҳишини эмас, атрофнинг кутганини бажаришга мойиллашади.

Ижтимоий босимнинг энг кўп учрайдиган ва энг кучли қўринишларидан бири — бу “одамлар мен ҳақида нима дер экан?” деган ички кўрқувдир. Инсон кўпича кийган кийимини, қилган ҳаракатини, айтган сўзини, ҳатто қадам ташлаш усулини ҳам бошқаларнинг баҳоси орқали баҳолай

бошлайди. Бу ҳолат қанчалик оддий туйилмасин, аслида, жуда чуқур ички зўриқишни юзага келтиради. Баъзан одам кийимини танларкан, ўзига ёққанидан кўра, бошқаларга қандай кўринишини ўйлайди; бирор тadbирга борар экан, қулайликдан кўра “мос бўладими?” деган ўй устун келади; бирор қарор қабул қилар экан, ички хоҳишидан олдин атрофдагиларнинг мулоҳазасини ўлчайди. Бу эса инсонни ўз ҳаётининг йўловчисига эмас, томошабиннинг нигоҳида яшайдиган актёрга айлантиради. Одамлар нима дер экан, деган фикр ўзи сезмаган ҳолда кундалик ҳаётнинг барча қатламга сингиб боради ва инсоннинг эркинлигини чеклайди. Аслида эса ҳеч ким бошқалар ҳақида ўйлаганимизчалик кўп ўйламайди — ҳар кимнинг ўзи билан овора бўлиб яшайдиган ташвишлари етарли.

Ижтимоий босимнинг энг хавфли жиҳати шундаки, одам эста-секин ўз ҳақиқий “мен”ини йўқотади. Масалан, бир бола ёки қиз дўстлари орасида “трендда бўлиш” талаби кучли бўлгани сабабли ўзи истамаган ҳолда қиммат телефон олишга мажбур бўлади. Аслида оддий, яхши ва ҳамёнбop телефондан ҳам етарлича фойдаланиш мумкин бўлса-да, атрофдагиларнинг “шунақа телефон бўлмаса, замондан орқада қоламан” деган гаплари уни қарзга ботишга ҳам рози қилади. Бу нафақат молиявий босим, балки психологик чарчоқ ҳам олиб келади.

Мутахассислар таъкидлашчи, ортиқча таққослаш руҳий саломатликка энг катта зарбалардан биридир. Чунки инсон солиштириш жараёнида, одатда, ўзидан юқоридагиларни ўлчовга қўяди ва ўзини пастроқ баҳолай бошлайди. Бу эса ўзига бўлган ишончининг камайиши, ички ноанглик, ташвиш ҳолатлари ва руҳий чарчоққа олиб келади. Сериял ва фильмларда кўрсатилган мукаммал оила, ҳашаматли ҳаёт, вақтинчи ҳаммашрақ қувончга тўла тасвири — буларнинг барчаси реал ҳаётдан йироқ. Аммо кўпчилик бунини унутмай ва ўз ҳаётини ана шу “сунъий идеал” билан ўлчай бошлайди. Натижа эса битта: одам ўз

ҳаётдан мамнун бўлолмайди.

Баъзан ижтимоий босим одамни ривожлантиришга, ўзини тартибга солишга ва ўзининг тан олмаган имкониятларини очига ҳандайди. Масалан, синфда ёки гуруҳда ҳамма инглиз тилини ўрганаётгани, курсларга қатнаётгани ёки сертификат олаётгани одамни характерга келтириши мумкин. У аслида “кейинроқ бошласам ҳам бўлади” деб юрган бўлса-да, бошқаларнинг меҳнати уни руҳлантиради ва ўзида шижоат топиб ўқий бошлайди. Ижтимоий босим баъзан инсонни маъсулиятга бўлиштириб қўлади. Бир ҳаракатчан ёки ҳаётга иштиёқи баланд, меҳнат қилишдан, изланишдан тап тортмайдиган инсонларни кўрганимизда, уларнинг энергияси бизга ижтимоий босим сифатида акс этади. Ҳаётимизда ҳар нарсанинг яхши ва ёмон, салбий ва ижобий томонлари бўлгани сингари ижтимоий босимнинг ҳам ҳар иккала таъсири инсон ҳаётига узвий равишда ўз кучини кўрсатаверади.

Баъзан у одамни илҳомлантирувчи, ривожга ундовчи кучга ҳам айлиши мумкин. Масалан, илм излайдиган, меҳнати билан муваффақиятга эришган, соғлом турмуш тарзини танлаган инсонлар бошқаларни ҳам ўзига эргаштиради. Бундай ҳолатда босим эмас — туртки юзага келади. Ижтимоий босимдан қочиб бўлмайди. Биз жамият ичида яшаймиз ва табиийки, унинг сигналларини қабул қиламиз. Лекин энг муҳим жиҳат — бу сигналларни онгли қабул қилиш. Инсон ўз қадриятларини аниқ билса, йўлини бошқаларники билан эмас, кечаги ўзи билан солиштирса, ҳаётининг ритми бошқаларникига ўхшаш бўлиши шарт эмаслигини тушунаса, босим куч эмас, воситага айланади.

Ижтимоий босим ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон бизни бошқарувчи кучга айланмаслиги керак.

Фарангиз АБРУЕВА,

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



*Ислом оламида асрлар давомида ардоқланиб келинаётган
саховат ва мурувват айёми –*

РАМАЗОН ҲАЙИТИ

*ҳамда шарқона янги йил, яшариш ва янгиланиш,
баҳор ва меҳнат, ёшлик ва гўзаллик шодиёнаси –*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан табриклайди.

*Аллоҳ таоло Рамазони шариф барокати ва улуғ савобларидан,
Наврўзи оламнинг қувончлари ва шукуҳидан барчаларингизни
бахраманд этсин!*



АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган
МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ

ва яшариш ва янгилашни айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Ушбу саодатли кунларда халқимизга бахт-саодат, ҳар бир оилага қут-барака, фаровонлик тилайди.

Она Ватанимиз ҳамиша тинч, гуллаб-яшнасин!

Янги Ўзбекистонда ёшларнинг таълим-тарбия олиши йўлида улкан ислохотлар рўёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни, ўзгаришларни ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Бу борада замонавий, билимдон кадрлар тайёрлашда ҳам улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Зеро, илмли ва маърифатли халқимизнинг эртаси бўлган ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ёруғ келажакимиз гаровидир.



*Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!*



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Инсон боласи яхши тарбия олиб, ҳалол ризқ-рўз билан яшаса, хурмат-эътиборга сазовор бўлади. Элу халқнинг дуосини олса, асло кам бўлмайди. Ана шундай ҳалол, виждонли инсонлар юртимизда жуда-жуда кўп. Аммо минг афсуски, бу ҳаётда кам бўлса ҳам умрини эгрилик йўлига совурадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Шу улғу ва саодатли кунларда кўнгилни хира қиладиган мавзу ҳақида, нопок кимсалар ҳақида тўхталгинг келмайди. Лекин начора, буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт давом этар эканки, оқ ва қора ранглар бўлгани каби, жиноят қилишдан тап тортмайдиган қаллоб кимсалардан эҳтиёт бўлишимиз лозимлиги учун ҳам куйидаги воқеа тўғрисида сўз юритдик.

Албатта, ҳалол меҳнат билан топилган мол-мулкка тажовуз қилиш азалдан энг қораланган иллатлардан бири ҳисобланади. Халқимиз бундай кимсаларни "ғирт ўғри" деб атаб, уларни аёвсиз қоралаган. Афсуски, бундай иллатга мубтало бўлганлар орасида тегишли жазодан сабоқ чиқармасдан, яна жиноят йўлини танлайдиганлар ҳам учрайди. Куйидаги воқеа ана шундай шахс — тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган шифокорларнинг пулини умарган қўли эгри кимса ҳақида. У ўз жиноятлари билан бир неча тиббиёт муассасаларида ишлаётган ходимларга катта моддий зарар етказган.

1983 йилда Сирдарё вилоятида туғилган Умар Бобоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёшлигиданоқ қинғирлик йўлини танлади. Халқимизда "Қон билан қирган жон билан чиқади", деган гап бор. Унинг ҳаёти ҳам шу нақлнинг тасдиғидек гўё.

Умар илк бор 24 ёшида қамалди. Пойтахтда содир этган ўғрилиги учун жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди ҳукмига кўра 3 йилга озодлик

ЎҒРИЛИКНИ “КАСБ”ГА АЙЛАНТИРГАН ҚАЛЛОБ

дан маҳрум этилди. Бироқ жазо унга сабоқ бўлмади. Озодликка чиққанидан сўнг яна ўғрилиққа қўл урди. Оқибатда у турли жиноятлари учун олти марта озодликдан маҳрум этилди ва "хавфли рецидивист" тамғасини олди.

2025 йил 23 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судида Умар Бобоевга нисбатан яна бир жиноят иши кўриб чиқилди. Бу гал унинг жиноятларидан жабр кўрганлар тиббиёт ходимлари эди.

Жабрланувчилардан бири Ш.В. судда куйидагича кўрсатма берди:

— Тошкент давлат тиббиёт университетиде ишлайман. Ўғрилиқ юз берган куни эрталаб соат саккизларда ишга келдим. Кийимларимни алмаштириб, кун давомида ўз ишларим билан банд бўлдим. Ҳамкасбим билан тушлик қилиб қайтганимиздан сўнг, у хонасида пуллари йўқолганини пайқаб қолди. Мен ҳам хонамга кириб, кийимларим ва сумкамни



текширганимда, 8,5 миллион сўм пулим йўқолгани маълум бўлди.

Шундан сўнг бу ҳақида ички ишлар органларига мурожаат қилдик...

Қизиғи, пойтахтдаги тиббиёт муассасаларида содир бўлаётган бу каби ўғрилиқлар орадан уч кун ўтиб яна такрорланди. Бу сафар манзил — Яшнобод туманида жойлашган Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти эди. Бу ерда ҳам икки нафар шифокор пуллари йўқолди.

Ушбу муассасада ишловчи шифокор Р.М.нинг айтишича, шими чўнтагидаги 600 минг сўм, кўк рангли сумкасида бўлган 10 миллион сўм ва 750 АҚШ доллари йўқолган. У бу маблағни қизининг контракт пулини тўлаш учун ўзи билан олиб келган эди. Яна бир шифокор А.Б.нинг ҳам 650 АҚШ доллари ва 1,5 миллион сўм пули ўғрилган. Кузатув камераларига тушиб қолган кадрлардан маълум бўлишича,

ўғрилиқ шифокорлар кийимларини алмаштириб, беморларни кўриқдан ўтказиш учун палаталарга кириб кетган вақтда содир этилган.

Умар Бобоев ўғрилиқларни асосан тиббиёт муассасаларида амалга оширган. Гоҳ у, гоҳ бу шифохона "ов" манзили сифатида танланган.

Навбатдаги жиноят утган йилнинг 10 июль куни Юнусобод туманида жойлашган 1-сонли шаҳар болалар клиник шифохонасида содир этилди. Бу гал икки нафар шифокор — А.А. ва Ж.М. нишонга олинган.

Ушанда кийим жавонидан шифокор А.А.га тегишли 800 минг сўм пул билан бирга Ж.М.нинг автомашинаси пулти ҳам ўғрилган.

Шифокорлар автотураргоҳга чиққанларида, ҳар қалай, машина жойида турар, пулти эса скамейка устига ташлаб кетилган эди. Улар дарҳол автомобиль салонини кўздан кечиришди: бардочдаги

нарсалар сочилиб ётар, ичидан Ж.М.нинг 850 АҚШ доллари ва 3,5 миллион сўм пули йўқолган эди.

Халқимиз "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" дейди. Изқуварларнинг тезкор ҳаракатлари натижа-сида тиббиёт муассасаларида ўғрилиқ содир этиб юрган шахс қўлга олинди.

Суд мажлисида судланувчи ўз айбига тўлиқ иқ-рор бўлиб, ўғрилиқ содир этганини тан олди, аммо жиноятларни аниқ қачон содир этгани ва қанча маблағни ўғирлаганини эслаб олмаслигини айтди.

Судланувчининг қилмиши Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди, шунингдек, 25-модда билан, яъни хавфли рецидивист томони-дан такроран ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш ҳамда ўғрилиқ жиноятига суиқасд қилиш сифатида малакаланди.

Жабрланувчилардан икки кишига етказилган моддий зарар қайтарилган бўлса-да, тўрт нафар жабрланувчига етказилган зарар қопланмади.

Суд ишининг барча ҳолатларини инобатга олиб, Умар Бобоевни Жиноят кодексининг тегишли мод-даларига мувофиқ узил-кесил 6 йил муддатга озод-ликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилди. У жа-зони махсус тартибли колонияда ўтади.

Қилмиш-қидирмиш. Букрини гўр тўғрилайди, де-ганларидек, наҳотки ўғрилиқдек қора иллат, жиноят йўлидан қайтмаган бу кимса бу қилиғини ташлай ол-маса? Ўғрилиқ билан қачонгача ҳаёт кечиради? Ба-рибир, бу оғир гуноҳ жавобсиз, жазосиз қолмайди. Шунинг учун ҳам олтинчи бор панжара ортига ра-вона бўлди. Энг ёмони, бу дунёдаги жазоларни-ку ўтар, аммо кун келиб умри поёнига етгач, бу одам боласи чин дунёда, охиратда қилмишига қандай жа-воб бераркин?

Аброр САИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Олмазор тумани суди раиси.

НАСР

Муҳаббат омаду олам дигар шуд.
(Мирзо ТУРСУНЗОДА)

— Кетдик! — деди тушлик маҳали завку шавқи танасига симаётган қувв.
— Қаёққа? — дея хайрон бўлиб уч кунлик келинчак.
— Инсон қадами етмаган жойларга! Тоққа!..
— Дунёда шундай жойлар қолган бўлса, бошланг!..

Айтилган сўз — отилган ўқ. Энг зарур кийимлари — икки жомадонга, шитоблари "апил-тапил" деган икки сўзга жо бўлди. Ҳовли-жойидаги насиба аҳлини хизматчи нўғой аёлга, нўғой аёлни Яратганининг паноҳига топшириб, йўлга тушди. Шундай қилиб, ошиқ-маъшуклар фурсат ўтиб ўзларини саратонгача қор аримайдиган тоғ оғушида кўрди. Энг баланд тепалиқдаги энг маҳобатли ҳовлининг темир дарвозаси сасиз кўтарилди.

— Бу кўрғоннинг тархиям ўзиз чизиб, биринчи гиштиниям ўзиз кўйганмисиз, Рауф ака? — дея сўради хайратини яширолмаётган Гулбека.
— Худди шундай!

Кўрғон тўридаги икки қаватли иссиққина уйга қадам қўйишлари билан ёш дилларни байрамона руҳ буткул чулғаб олди. Чулғамасинми! Бир-бирига талпиниб турган икки ташна қалбнинг танҳо қоладиган кунни ҳам бор экан-ку!
— Кўзларимга ишонгим келмаяпти! — деди Рауф. — Наҳотки шу офатихон сен бўлсанг, Гулим? Айт, ўзингмисан?

Бундай дамларда қайси аёл ишва билан ширин жилмайшдан ўзини тия олади.
— Ваҳ-эй! — деди эркалиниб. — Ҳа, мен, ўзимман!
— Сенглинг рост бўлса, кел! — деди йигит қўлларини чўзиб. — Биргина бағримга босай! Соғиниб кетдим ахир!

Тўрдаги хайбати баланд қизил шафони очаётган аёл эри томон икки қадам қўйди.
— Нега туриб қолдинг?
— Ҳеч бўлмаса плашимни ечай...
— Плашингни ўзим ечаман!.. — Эҳтирос ўтидан юраги халқиб кетаётган йигит нофармон астарли куртқасини ечиб оромқурсига олди. Отди-ю, қаёқдан ҳам калласига бир гап келди: — Илгариям тоққа чиққанмисан ўзи?

— Чикқандик. — Шундай дедю тилини тишлади аёл. Сўнг айбдорона жилмайдди.
Йигитнинг кўллари ёнига шалвираб тушди. Кимдир ашиқни журъатсизгина тақиллатди.
— Да-а!.. — деди эр зарда билан.
— Чемаданларни опкелавдим, хўжайин.
— Эшик олдиға қўйиб кетавер! — норози тўнғиллади хўжайин. — Ўзимиз киритиб оламиз!..

Аёл дувва қизариб бошини эгди. Нимадир демоқчи бўлгандай ютди-ю, айвон эшигини очаётган эрига қараганча серрайиб қолди.
"Иккимиз ҳам ярадор қушга ўхшаймиз", — деган эди у энди танишганларида.
"Қуш эмас, ярадор бўрига, де!.." — тўғрилаган эди Рауф.

Кино саройи ёнига ҳашаматли машина келиб тўхтаганида премьер бошлинишига ўн дақиқа қолган эди. Машинадан тушган қадди расо йигит томошахона сари илдам одимлади. Таклифномада кўрсатилган жой — иккинчи қатордаги учинчи ўриндиққа бориб ўтирди.

Ён-атрофида разм солар экан, лиқ тўла торлонинг нариги чеккасида бир аёл ўзига қаттиқ тикилиб турганини кўрди. Танишдай туюлди: "Гулбеками?" Ажабланди.

Дақиқа ўтиб-ўтмай ўша жувон унинг ёнига келиб тортиниброқ салом берди, йигитнинг хайрати ошди. Одоб юзасидан ўриндан турди.
— Вой, сизмисиз? — деди Гулбека. Йигитнинг исмини билмас эканими ё шу тобда эслай олмадим, ишқилиб, айтмади.

— Яхши юрибсизми, сингил? — деди у ҳам ҳақи кетадигандай аёлнинг номини тилга олмай.
— Шукр!

Тамом. Бор гап-сўз — шу. Балки унинг ўрнида бошқа тилли-жағлироқ эркак бўлганда дарҳол гапни илбиб кетарди "сингли-си"га ёнидан жой берарди. Ба расми илтифот! Айби — аёл кишининг қаршида тили ўз-ўзиндан танглайга ёпишади-қолади. Хурлиқ эса ақлини шоширғулик! Чиройлидан чиройли! Маъюслик сезилар-сезилмас соя солиб турган тимқора кўзлари недир дарддан огоҳ этаётгандай. Пардоз уласи тегмаган тинқи юзи, мовий ҳарир шарф ташлаб олган нозик бўйни, камзули кўз-кўз қилиб турган дурқун сийналари, навниҳолдек хилча бели йигитнинг хаёлини ўғирлади-қўйди. Унга маҳил бўлиб қолган фақат йигитимиз эмасди. Жувонни айна тоқу равоқ остига йиғилган юзлаб кўз — эркага аёл ҳавасланиб, суқланиб, балки ютиниб томоша қиларди. Аслида, юзлаб нима, Гулбека телевизорда кўриниш бериб қолса, миллионлаб томошабин экрандан кўзини узиши мушқул! Нима қилса, нима деса, нима қийса ярашадиган тенги-тимсоли кам аёл!

Жувон қандай келган бўлса, шундай — одоб билан изига бурилди. Турмакланган олтинранг сочига боғланган нилгун жиягини икки ёнига силжитганича узоклашар экан, йигит томон сўлгин назар ташлаб қўйди. Ажабо, кўзларида ёш йилтиларди!

Тепла сочи сийраклашиб, бошининг ёнғоқдай жойи ялтираб қолган йигитнинг хаёли қочди. Бу жувон нега унинг олдиға келди-ю, нега даров изига қайтди? Нима демоқчи бўлди? Нега кўзларида йилт-йилт ёш? Ҳар қанча уйламин, томоша туғангича айна саволларнинг бирортасига жўяйи жавоб тополмади. Толгани: кўзлари чўлпон фаришта беҳуда келмади қошингга!

Машинаси муюлишдаги кенг кўчага бурилганида яна ўша аёлга кўзи тушди. Манзилидан адашган забун кампир мисоли бошини куйи солганча бетон йўлкани бир-бир босиб бораётди. Йигит уповидан тушиб, орқа эшикни очди.
— Йўлимиз бирга ўхшайди, Гулбекаxonим. Келинг, бирга кетамиз.
Жувон чўчиб тушди.
— Йў-йў!.. — деди шоша-пиша. — Мен, сал на-рига, Анҳор бўйига бораман... Етиб қолдим... Раҳмат!..
Боя кўришганларидан бери икки-уч соат

дай дарҳол жавоб қилди:
— Хилватлиги — зўрлиги! Мижозларимиз унчалик кўп эмас... Таниш-билиш дегандай. Фақирингиздан сўрасангиз: ҳаром-ҳарш кўчасига киришдан ҳазар қиламан!
Муъжаз хонадаги одмилик ва улғурворликдан лол қолган аёл оҳиста чапак чалиб қўйди:
— Офарин!
Гулбека орадан бир ойча ўтгач иккунини йигитга шундай айтади:
— Ўша оқшом ёнимдан эътибор бермай ўтиб кетсангиз нима бўларди, биласизми? Уйга борардим-да, эрталабгача дори капалаб чиқардим. Кечалари юрагим тарс ёрилай дерди. Хо-

риб ташлаган экан. Жонлантириш бўлимида ўлим билан олишиб ётган жувонга бундай кўргулини қандай айтишсин?
Беморман деганининг димоғига кислород аппарати уланган. Қайишқоқ ниқобни юзингиздан сал кўтарсангиз, нафасингиз тиқилиб, бўғила бошлайсиз. На телефон бор, на телевизор...
Гулбека икки ҳафтадан кейин ялиниб-ёлвориб, кўл телефони олиган. Аёл зотининг гапи чича йиғилиб қолгани — ўлгани. Палатадаги тўрт оғиза портлаб кетмаганига ҳалигача ажабланади.
Ёнидаги қаравотда машҳур академикнинг аёли ётган эди. Бирам яхши, бирам доно, би-



Муаллиф ҳақида:
Кулман ОЧИЛОВ 1957 йили Қашқадарё вилоятининг Чироқчи (ҳозирда Кўқдала) туманида туғилган. 1983 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаган. 1999 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвони билан тақдирланган. Таниқли публицист, адиб, таржимон. "Жайдари фалсафа", "Сой соҳили", "Баракали йигит", "Омонат ва матонат", "Гардан ва гардун" каби ўнға яқин насрий китоблари чоп этилган. Асарлари қардош тилларга таржима қилинган. Эрнест Хемингуэй, Габриэль Гарсиа Маркес, Иво Андрич, Рюносэ Акутагава, Симон Кармителт сингари жаҳон адабларининг асарларини ўзбек тилига ўғирган.

ликдан воқиф қилинди. Гулбека кўп иккунини ўтирмай ўғли Санжар билан эрининг уйига кўчиб келди.

Эр-хотин ўртасидан гап қочса, ким нима қилади, нима дейди? Балки иккиси ҳам ловуллаб кетар? Хаёли чувалган Рауф ўзини айвонга олди. Бирдан тамаки хумори тўтди. Чекишни ташлаганига беш йилдан ошган. Шундай хумор қилдики, шифёридан шартта битта папирос олиб, босиб-босиб тортгиси келди. Ўзини аранг ушлади. Аран! Ҳеч жойда ҳеч гап йўк, нега беҳосдан қулғогача ловуллаб кетганини англади. Умрида биринчи марта кўнглида рашқ ўти дадил бош кўтарган, хотинини марҳум эридан қизганмоқда эди!..

Гулбекани ҳайратга солиш ниятида нимадан гап очса, недир иш қилса, нуқул бир хил сўзга бориб тақалаверади: кўргандик, боргандик, ўқигандик, чиққандик!.. "Дик-дик-дик!.." Шу қабилдаги жавобни эшитиши билан гўё йигитнинг кўксидидаги ўт сўнади-қолади. Чемак, бу хотин марҳум эри билан тоққаман қўлдан экан!

Илгари, тўйгача, ичидан қанчалик қиринди ўтмасин, "дик-дик"ни эшитса, ўзини босарди. Гулбеканинг сўлгин қиёфасини кўрганида ичи ёниб кетган кунлари кўп бўлган: "Кечаси яна Ушани кўмсаб чиққан!"

Туриб-туриб Рауфга алам қилиб кетарди: "Боқиралиги нега менга эмас, Унга насиб қилган? Муносиб эмасмидим?"

Фусса тўла маъхум сукунат. У намозгарнинг ҳарир қоронғисидан шавқи сўниб, сўппайиб турар, қилган иши энди ўзини харсангтошдек эзмокда эди. Бу оғир сукунатни қай йўл билан бузсин? Хотинидан қайси юзи билан ўз сўрасин?

Худо сенга шундай оқила аёлни, шундай мухташам маконни, шундай гўзал дунёни раво кўриб турганида, аразлаган гўдақдай текари ўғирлиб олганининг қара! Бу нима қилиқ? Қандай ношукурлик? Кимдан, нимадан норозисанки, тумшугининг бунча осилтирасан, эй оқиз банда? Ўлган одамданми? Гулбекаданми? Уял-эй! Ўша божжоначи эмас, ўзинг ўлиб кетганингда нима қилардинг, нодон?!

Оёқ шарпаси эшитилди. "Яхшилик аломати," деб ўйлади у. Лекин шарпани сезмаганга олди. Гулбека келиб, унинг елкасига бош қўйди. Унг қўлини олиб, силар экан, бармоқларини бармоқлари орасига қовуштирди. Қорли чўққилар ортидан чиқиб келаётган ой, пастда ястаниб ётган зангори водий, унурларда қорайиб кўринаятган арчалар, илонизи сўқмоқларга унсиз қараб турардилар. Қия очик деразадан кирган салқин шабада жувон сочининг ифорини йигитнинг димоғига тутди. Илоҳий тафт ва ифор шуурини ишғол қилмоққа тушган Рауф кўзларини юмди: қани энди шу сеҳрли лаҳзалар битмаса, шу муаттар бўй, шу шушубода димоғидан асло аримаса... Гулбека бирдан ўзини ерга ташлади эрининг икки тиззасидан маҳкам кучоқлаб олди:

— Утинаман! — деди ёлвориб танглайи қуригандай хириллаган овозда. — Бизни ташлаб кетманг!..

— Бу нима қилганинг, Гули? Ким ташлаб кетаман депти?!

Аёлини билагидан ушлаб турғизди:
— Йиги сенга ярашмайди, бошингни кўтар!
— Қўрқаман, Рауф ака, улғудай қўрқаман! Сиздан ҳам айрилиб қолишдан қўрқаман!..

Рауф уни меҳр билан кучди. Оғушида энткиб турган шу фаришта — ҳасми ҳалопи бир вақтлар марҳум эрини яхши кўрганини фахмлади. Ҳар қадамда, ҳар лаҳзада, ҳар ишда ўзини уни билан таққослаётганига ва таққослашдан қутула олмаётганга ақли етиб турарди. Начоракни, бандасининг ожизлиги, балки буюклиги шунда — ўтмиши билан азоблар ичида хайрлашишдидай!

У Гулбеканинг совидаги қора хошияли ло-жувард тасмани аявлаб ечиб, ташқарига улуктирди-да, деразани шартта ёпди.

— Бўлди, — деди, — мотамни бас қилайлик!..
Кўллари аёлининг бахмалдай мулоийм юзини, лаблари қовжираган лабларини топди. Хижолат торган ўн тўрт кунлик ой шоша-пиша оқ бутуллар ортига яширинди.

*Муҳаббат шавқидин ўзарди дунё. (тож).



эмас, гўё икки-уч йил ўтган. Беҳад толиққан аёл бу дунёдан кўнгли қолгандек қаттиқ изтиробда кўринарди.
— Унда, сизни кузатиб қўйсам майлими? — деб сўради йигит ялингандай.

Аёл паришон хўрсинди. Аввалгисидан-да астойдил ва самимий эшитилган бу таклифнинг пасту баландини хаёлида чамалаб кўраётгандай бироз уйланиб турди-да, мовий дуррача ўраган бошини енгил тебратди.
— Майли, — деди бўшашиброқ. — Фақат Анҳоргача.
— Хўп!

Жимгина йўлга тушди. Йигит нимадир дегиси келарди-ю, ўсалроқ гап айтиб, шусиз ҳам кўнгли хуфтон ҳамроҳини ранжитиб қўйишдан чўчирди. Охири таваккал қилди:
— Қалай? Фильм сизга ёқдимиз?
— Дуруст, — деди Гулбека лоқайдрок. — Боя роса бошингизни қотириб қўйдим-а, Рауф ака? Каллам гангиз сиз томонга бориб қолганимни айтаман!..

— Бошим қотшига баҳона излаб юрганди ўзи. Тўғри қилдингиз!..
Йигит унга қарамаётган бўлса-да, сездю: жувоннинг юзига ним қулги ёйилди. Ҳамроҳининг: "Сизга-чи? Фильм сизга ёқдимиз?" дейишини кутди. Демаса-да, қовушмаётган суҳбат узулиб қолишдан қўрқиб:

— Аммо сценарийси зўр экан! — деди.
— А-а?! — росмана ажабланган Гулбека таққа тўхтади ва дадил овозда хитоб қилди: — Буюк асфальт қироли яхшигина киношунос ҳам эканлар-да?

— Ана холос! Қирол ҳам бўлдики ҳали?
— Бўлсангиз-чи! Нимаси ёмон?
— Ёмоний йў-у, лекин қиролчасиз қироллик ҳам татимайди-да!..
Ўзининг илмоқли гапидан ўзи изза бўлиб, хижолатдан чиқишга шошилди:

— Култур бақанлигинда бир аркадашим вар, — деди ширин талаффузда туркчалаб.
— "Култур бақанлигин"да дейсизми?
— Ҳа, маданият вазиригинда. Илгари кинода каттароқ одам бўлган ўша ошнам.
— Ҳа-а, гап бу ёқда денг?
— Иннанкейин ширкатимиз фильмларга ҳо-мийлик ҳам қилиб туради.

Анҳор соҳилидаги кулранг иморатлар улар томон бостириб келаётгандай тобора яқинлашмоқда эди. Йигитимиз аввал булутли осмонга, сўнг билагидидаги соатга қаради: чорак кам саккиз. Бўладиган гапни тикка айтишдан бошқа чора йўқ:
— Шу яқин-ўртадаги бирорта кафега кириб, бафуржа гапхона қилсак, нима дейсиз?

Жувонга Рауфнинг қатъияти ёқа бошлади, шекилли, кўзларида бирдан қувонч учкунлари йилтирагандай бўлди. Рўй-рост жилмайдди.
Меҳмон орқа ўриндиқдан, мезбон ҳайдовчи ёнидан жой олди.
— Охрана олдидан ўтиради! — деди Рауф ўктам овозда. — "Тонготар!"
— Хўп бўлади! — деди шофёр ва кимнидир ўша захоти телефонда оғохлантирди. — Йўлда-миза. А?.. Икки-уч минутда.
— "Тонготар" дедизми? — дея хавотирланди жувон.

— Ҳа, "Тонготар". Нариги кўчада муъжаз-гина бир ресторача бор, номи шундай — "Тонготар". Бегона эмас. Тарҳини ўзим чизиб, биринчи гиштиниям ўзим кўйганман.
Кўздан панароқ орқа эшикдан кириб, иккинчи қаватга чиқдилар.

— Хилватгина жой экан!
Ресторан хўжайини шу гапни кутиб турган-

нанишин кунлардан шунчалар безганманки!..
Ресторандан тун яримлаб қолганда уйга қайтган Рауф қаравотига чўзилар экан, тонг отириши осон кечмаслигини англади. Гулбеканинг ҳам кўзига уйку илинмай, тўлғониб чиқса керак дея тахмин қилди. Тахмини тўғри эди. Уйлаб қараса, иккаласи бир-бирига муносиб: бўй-басти келишган, меҳнатда кўзи пишиб, аччиқ-чучуқдан тажриба орттирган. Жувон — ўт-тини, йигит қирқни қоралаб қолган. Аёлдир, эркиндир, бу ёшга етганида енгил-елпи ҳою-ҳаваслардан анча фориғланиб, сипо тортиши табиий. Гулбека — нуфузли агентликда матбуот котиби, Рауф — йўл қурилиши бўйича муштор ширкат хўжайини. Аён бўлдики, иккиси ҳам китобга, санъатга, меҳнатга ўқ, ҳаётда нимагаки эришган бўлсалар, ҳаммасини шу ўчиққандан деб билишар экан.

Тақдирлари шуришу гавғосининг ўхшашлиги-чи? Гулбеканинг завжини, Рауфнинг завжасини дунёга ёпирилган офат — "тождор вирус" олиб кетган. Ҳар иккаласи бошига тушган мусибатнинг оғир юкидан энди-энди халос бўлиб, ўзига кела бошлаган чоқлар. Кино саройида Гулбека унинг олдиға довдираб келиб қолганининг сабаби ҳам ўша мусибат асорати. Рауфнинг недир келбати марҳум эрини эслатиб юборгандай бўлибдию ҳардамхаёл аёл ўрнидан туриб кетганини ўзи сезмай қолибди. Офат ҳаммани эсанкиратиб кетди.

Демак, унинг божжоначи-амалдор эри ҳам Рауфдай хушроқат йигит бўлган. Бошида — кепка, эғнида — свитер, енгил куртқа, яйраб юришни ёқтирган. Икки йигит тўй-маърака, теннис ўйини, мажлис-нажлисларда бақамат келган бўлишлари ҳам мумкин.

— Телбадан фарҳим қолмаган! — деб кўзёши қилди Гулбека ўша оқшом ресторанда ўтирганларида. — Қолган бўлса, садақа сўраб юрган гайдовай олдингизга бостириб бораримидим?.. Ўзим отасиз ўсганим етмагандай ўғлимнинг ҳам пешонаси шўр экан!..
Аёл қизил ёлпоғли кўл телефони очиб, уч-тўт ёшлардаги гўдак суратини кўрсатди. Ўқсиниб, мунчоқ кўзлари жавдираб қолган болакай.

Жувон мижжаларини артар экан, қайта-қайта узр сўрарди. Йигит унинг икки қўлини кафтлари орасига олди. Оройиш берилган мулоийм кўзлардан вужудига ёйилган тафт, ёш аёлдан таралаётган муаттар бўй унинг совиб ётган қонини қайнатиб, эҳтиросини жунбишга келтириб юборди. Буни сезган Гулбека кўзини олиб қочди.

Рауф шундай назокатли аёлга термилиб, суҳбатидан завқланиб ўтиришни бил умр орзу қилганини англади.
Шу-шу уларни ҳаловат тарқ этди. Тез-тез кўнгираклашиб, кўришиб туришни одат қилдилар. Кўришганларида ёш бошларига тушган жудоликни эсламасликка, эсласалар-да, марҳумлари хотирасини четлаб ўтишга уринар эдилар. Аммо уринганинг урдасидан қикдинг дегани эмас. Бундай дамларда эғнидаги мотамсаро либосини ҳалигача ечмаган Гулбеканинг хўлқаси тўлиб кетса, йигитнинг ҳалқумига тош тиклангандай бўларди.

Дарди бедаво авжига чиққан кунлари шифохонда ўзи билан ўзи бўлиб, эрининг ҳолидан хабар ололмаган Гулбека ҳали-ҳануз афсус-надомат чекади. Соппа-соғ, уйнаб-қулиб юрган одам. Фалон жойда ишлайди, шифоқорларга гапи ўтади, деб кўнгли тўқ бўлган-да. Баянда билса, "Ковид-2019" марказига тушган эри шўрлик уч кун ўтиб жон берган. Упкасининг саксон беш фоизини вирус ишдан чиқа-

рам бардошли экани, "оҳ" деган овози чиқмади. Гулбека бир тонг телефониға қараса, шўрлик опанинг эрига рафиқаси оламдан ўтгани учун ҳамдардик билдирилган шумҳабар тарқалган. "Йўк, опа тирин!" деб хайқириб юбормасинми! Қараса, ўрнида ростдан ҳам бошқа кампир ихраб ётарди!..
Гулбека беморхонадан уйига гандираклаб келса, ҳаммаёқ хувуллаган. Эри йўқ! Фарзанд доғи қуритган қайнона-қайнотаси кўтарам бўлиб қолган! Бечора жувон ўғилчасининг ҳам пешонасидан ўполмайди. Мумкин эмас: вирусу юқадди! Бутун оиланинг кийим-боши оловга ташлаган. Гулбека қайси шақфани очса — тебраниб турган бўш кийимосигича кўзи тушади. Мисоли эшафотда маҳқумни кутаётган дор дейсиз!

Водариди! Ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўғ-у, Рауф маъшуқаси билан андармон бўлиб, ўз марҳумасини қарийб унутай дебди. Уйлангунича, уйланганидан кейин ҳам хотини иккунининг ўртасида ўлдим-қуйдим, оҳ-воҳлар бўлган. Онаси маҳаллама-маҳалла юриб, сўраб-суриштириб топган қиз эди-да, раҳматли Мастура. Икки-уч марта учрашиб, кино-пинога тушишган. Гулдасталар ҳаёда қилинган, чоғи. Келин-қувв рисоладагайдай яшаган. Эр — пул топиб келган, хотин — рўзгорга қараб, қайнонанин дуосини олиб ўтирган. Шу ўтиришни баҳузур бахт деб билган.

Рўзгорлари аввал-бошдан кам-кўтсиз эди. Мастуранинг пул деса — пули, обрў деса обрўий бўлган. Кимсан асфальт-бетон заводлари гуриллаб, шаҳарни йўлу кўприк билан таъминлаб турган Рауф Усмоновнинг хотини! Чатоғи шуки, аёли тўсатдан тўлиша бошлади. Бир семириб олсангиз, бас, қанча парҳез, қанча дори-дармон қилманг, фитнес-митнесга қанча қатнаманг, озишингиз мушқул. Семизлиги ортидан интизор кутилган устига хомиладор ҳам бўлупмади. Бунинг ўстига, эри ташлаб кетишдан хавотири ошаверди. Қаттиқ ташвишданми ё асли ўзи мижозиди мойиллик бор эканими, ишқилиб, қандаг чалиндио гамбода кўнгли баттар чўқди. Тана-тўши қуриб, томоғининг ости дами чиққан пуфқдай шалвираб қолди. Мастуранин боқий дунёга эрта олиб кетган ҳам аслида шу — диабет.

— Икковимиз ҳам ярадор қушга ўхшаймиз, — деган эди Гулбека ўша кунлари.
— Қуш эмас, ярадор бўрига, де!.. — тўғрилаган эди Рауф.

Гулбека билан қалинлашиб кетдилар. Энди кунда-кунора учрашгилари, дардлашгилари, юракларда силқиб турган жароҳатга тезроқ малҳам тоғилари келарди. На кўчаларни тўлдириб оқаётган автомобиллар шовқини, на баҳор ёмғирлари, на турмуш ташвишлари бу иштиёққа монелик қила оларди. Хилват гўшаларда шошилмай сайр қилардилар, хайрлашиш фурсати келганида эса энди балоғатга етган ўсмирлардек тиллари тутгилар, айрилгилари келмас эди. Қўлт-қлашиб юришганининг ўзи ҳамма гапни айтиб, кўрсатиб, англатиб турарди гўё. Шундай илоҳий лаҳзаларни жўн, сийқа бир сўз билан бузиб қўйишдан чўчирдилар. Рауф маъшуқасининг гапларини тинглаб, овозини соғиниб тўймаз эди. Гулбеканинг ақлли аёлларга хос латиф феъли, зарофати, айниқса, вазминлиги буткул ром қилиб қўйган эди. Бир йигитнинг бахти бундан ортиқ бўлмас!

Борди-келдилари қуюқлашгани сари ишқий саргузаштларини пинҳон туттишлари қийинлашиб қолди. Никоҳ ўқитилиб, камтарона дастурхон ёзилди ва энг яқин кўнгли етарлар янги-

*Муҳаббат шавқидин ўзарди дунё. (тож).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

У бўрига ёлворди...

Чингиз АЙТМАТОВ

Ҳаётингизда бир бора бўлса-да, бўрига дуч келганмисиз? Мен бир марта учратдим. Эртақ ва афсоналарда йирткич, бераҳм дея таърифланган, болажонларимизнинг мультфильмларида эса кўндан доим алданиб қоладиган бўрини занжирга боғланган афтода ҳолда кўрдим.

Сарғимтил тусли, қулоқлари дикрайган, думи узун. Ҳаётининг итдек келади, аммо унинг кўзларига боқиб, вужудимда ажабтовур титроқми, ҳаяжонми уйғонди.

Дўстим Алишернинг уйда ўтирган эдик. Кўча тарафдан ўғлининг: "Ота, бўри, бўри!" деган овози келди. Ташқарига чиқдик. Дарвоза ёнида баланд бўйли йигит боғланган бўриси билан турибди. Дўстим бўри етаклаган йигитни ҳовлисига бошлаб, аввал уйини, сўнгра моллари ва қўйлари қишлайдиган қамовга киришиб айлангириб чиқди-да, чўнтагидаги пулини санамасдан узатиб, раҳмат айтганча кузатиб қўйди.

Дарвоқе, мен келганимда овози оламни бузган дўстимнинг оварка ити қаерда деб қарасак, бечора мулоийм тортиб, ғарам ортида писиб ётган экан.

Кексалардан эшитганларим ёдимга тушди. Бўрининг девы бўлади, у оддий жонзот эмас,

БҮРИ ОРАЛАГАН ҚҮРҒОН



илоҳий... Бўрининг кўзларида ваҳоҳат ва тилсимот яширинган. Ёши улғу кишилар бирорта жўмард одам ҳақида гап кетса, "бўридек эди, ортига бурилиб қарамасди", дея сўзлайдилар.

Ёхуд фарзандлари турмаганлар чақалоғини ирим қилиб бўридан айлангириб олишган, ўғил бўлса Бўрибой, қиз бўлса Бўритош деб туркона исм беришган.

Қўшнимизнинг тўйи эди. Нотаниш бир йигит йиманибгина бир чеккада ўтирибди. Шунда маҳалла оқсоқоли Ҳаётан бобо ҳалиги йигитни имлаб чақирди ва деди:

— Ҳой, Шодийёрбой, ахир сиз жиянсиз, нега шумшайиб ўтирибсиз? Жиян тоғанинг уйига келса, бўри оралагандек бўлади, дейишган машойихлар. Тезда бординга, анови меҳмонларга қаранг, — деб айтгани ёдимга тушди.

Бўрига адаш бўлган кишиларнинг ҳаётда

чапани, тўғрисўз ва қайсар феъл-атворга молик эканлигини кўрганман, бунинг сир-синоати қайда экан, қолаверса, Алломшининг отасини ҳам Бойбўри деб аташмаганми?..

Дўстимдан хатти-ҳаракатлари сабабини сўрайман.

— Эй, ошна, билмайсизми, бўри оралаган кўрғонга Аллоҳнинг инояти билан, албатта, баррака инаркан, бўри ўрлаган тоғу дашт серфайз, обод бўлади, бало-қазолар арийди. Ростини, авваллари мен ҳам бундай удумларга аҳамият бермасдим. Бир тракторчи танишим бор. Бечоранинг неча йиллардан буён боши ташвиш-қайғудан чиқмасди.

Бир тележка сомонга тоғлик овчидан бўри боласини олиб келди ва парваришлади. Биласизми, ўша кундан бошлаб унинг уйига барака, ишига унум, омад келаверди.

Ҳар йили қисир қолиб куйдирадиган сигири учта бузоқ туғди, қўй-эчкилари эгиз болалади, қанча дўхтир ва табибларга кўрсатиб, даво топполмаган касалманд аёли оёққа туриб кетди. Фарзанд қўролмайдарди ичиди юрган тўнғичининг хотини қўчқордек ўғил туғди, кенжаси нуфузли ўқув масканининг талабаси бўлди, икки қизини узатди. Бу ёғини эшитинг, йигирма беш сотих томорқасидан тонналаб картошка, сабзи-пиёз олиб, пулнинг тағида қолди. Энг қизиғи, ҳар кунни бузилиб ҳуноб қиладиган тракторчи тўхтамай чопади, — деди қўлидаги пиёла билан менга узатаркан. — Ўзи саховатли, фақир-бечораларга кўмак бериб юради, энг ибратли томони, кеча ўзининг ким бўлганини унутгани йўқ.

Шу тобора раҳматли Расул чўпон айтган бир воқеа ёдимга тушди:

— Ёз ойлари эди, жамоа ҳўжалигининг қўйларини тоққа ҳайдадик. Ҳаётан тиззага келди. Қайфиятимиз чоғ, бош чўпон Мейли бобо билан арчаннинг соясида чой ичаётган эдик, итлар безовта ҳура бошлади. Қарасак, ўнгрининг устида иккита бўри турибди.

Мен милтиққа қўл чўзган эдим, ҳамроҳим тўхта ишорасини қилди-да, деди:

— Расулбой ука, шоманг, билсангиз, бу дунёда барча нарсанинг ҳисоб-китоби бор, бўриларни ўзларининг насибасини, ҳақини сўраб келишибди. Ахир тоғ уларники-да. Боринг-да, йўталиб юрган совлиқни ушлаб, қирга ташлаб келинг, шунда қарздан қутуламиз, бўлмаса, бошимиз балога қолади.

Мен Мейли бобонинг айтганини бажардим, шундан сўнг бўрилар қайта бизни безовта қилишмади.

Кимдир айтувди, ҳайвон ўргатувчилар барча жондорларни қўлга ўргатар эканлар, аммо бўриларни бўйсундириб бўлмакан. Бу фаройиб жонзотлар ўзларига нисбатан шафқатсиз бўлиб, оёғи шикаст еса, тишлари билан узиб ташласа-да, ўз қавмларига гоят садоқатли бўлиб, очлиқдан силласи қуриса ҳам, бўри бўрини ғажимас экан.

Ҳа, қадим туркий аждодларимиз байроғу тамгаларига бекорга бўри суратини чиқишмаган экан-да. Чунки бўрилар бизга бегона эмас, у ҳам она табиатнинг фарзанди, мўъжизасидир.

Ўрлобй ҚОБИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МУТОЛАА

ОЛИМ ВА ТАРЖИМОННИНГ МЕҲНАТИ ВА ЗАҲМАТИ

Қўлимизда "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Ҳикматлар" (Тошкент, "Адабиёт", 2022) китоби бор. Китобнинг юзида "Ҳикматлар" сўзининг ўзбекча ва олмонча ифодаси берилган.

Китоб таниқли олим Ваҳоб Раҳмоновнинг "Фикрчан шеърят ва ҳикматомуз наср" номли ўн бир бетлик ўзбек ва немис тилларида ёзилган мақоласи билан бошланади. Бу нашрдан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек ва немис тилларидаги 280 та ҳикматли сўзлари ўрин олган.

Бу китобга баҳо берадиган одам: "Ҳа, Бобур ҳикматларини Мирзаали Акбаров немисчага таржима қилган. Ваҳоб Раҳмонов бу ҳақда мақола ёзиб берибди-да", деб ўйлайди. Чунки китоб бошида Бобур расми ва орқасида таржимон сурати берилган.

Авалло, шунча ҳикматларини немис тилига сидқидилдан ўғирган Мирзаали Акбаровга раҳмат дейимиз. Ўзбек кишиши шаҳаншоҳ Бобур сўзини немис тилига қотириб, яхши ўғиргани қандай яхши! Яна қарангки, фарғоналик шаҳаншоҳ Бобурни фарғоналик зидғили Мирзаали Акбаровнинг немис тилида талқин қилгани ундан-да ажойиб! Айниқса, олмонча матнига потсдамлик немис олими Ирис Бернтнинг муҳаррирлиги нур устига нур бўлган. Таржимонлик масъулияти жуда ўрнига қўйилгани шундан ҳам яққол намоёндр.

Мен немис тилини билмаганим сабабли мазкур китобдан ўрин олган ўзбек тилидаги матнларни ўқиб ҳузурландим. Негаки, ушбу мўъжаз китобдаги Бобур ижодига тегишли барча гаплар ва байтларни зукко олим Ваҳоб Раҳмонов таллаган. У Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Қўлиёт"нинг олти жилдини сатрма-састр, сўзма-сўз ўқиб, Бобур ҳикматларини саралаб-тергилаб ёзиб чиққан, сўнгра эски ўзбек ва форс тилидаги бу насрий ва шеърый жумла ва мисраларни ҳозирги ўзбек адабий тилига таъдил этган. Бошқача айтганда, Бобурнинг ҳикматларини замонавий тилимизда қайта талқин қилиб чиққан. Ваҳоб Раҳмонов олтига 500 бетлик китобни, яъни 3000 саҳифа матни синчиклаб ўқиб, гўё денгизга шўнғи 280 та гавҳарни топиб чиққан...

Қолаверса, бу ҳикмат гавҳарларини заргарона меҳнат эвазига ҳар бирига ишлов бериб, уларни ҳозирги тилимизга мослаштириб тайёрлаган.

Лекин негадир "С" белгисиде, яъни муаллиф ёзиладиган жойда М.А.Каров деб ёзиб қўйилган, холос. Гўё Ваҳоб Раҳмонов китобда меҳмондай.

Биз ана шу манзарадан келиб чиқиб, ушбу китобнинг дунё юзини кўришида Ваҳоб Раҳмоновнинг ҳам заҳматли, олимона меҳнати борлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ва бу меҳнатни матни олмон тилига ўғирган таржимон фаолияти заҳмати ёнига қўйиб кўрмоқчи бўлдик. Ҳўш, кузатайлик-чи, Ваҳоб Раҳмонов нима иш қилган-у, Мирзаали Акбаров не машаққатларни чеккан экан?


Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун китобдаги битиклардан бир-икки мисол келтирамиз. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг куйидаги:

Ғафлат уйқусидан уйғон гар тилар бўлсанг мурод, Ким етар мақсадаг ҳар ким бўлса у уйғоқроқ. ("Ҳикматлар", 43-бет)

Ёки:

Гарчи зоҳирда тўғридекдур нафс, Жисминг уйда ўғридекдур нафс. ("Ҳикматлар", 43-бет)

байтларида бобуршунос олим Бобурнинг ҳозирги ёш-



лар бемалол тушуна оладиган гап ва байтларини аслича қолдиришни маъқул топган. Чунки бунда Бобур овози ва услуби сақланади.

Олим Бобур аслиятини сақлаган ҳолда бир ёки иккитагина эскирган — архаик сўзларни ҳозирги сўзлар билан алмаштиради, холос:

Давлатга етиб, меҳнат элини унутма, Беш кунлик умринеда ўзини катта тутма. ("Ҳикматлар" 43-бет)

Бу байт Бобур "Девон"ида куйидагича эди: Давлатга етиб, меҳнат элин унутма! Бу беш кун учун ўзини асру тутма.

(Девон, 339-бет)

Бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмонов Бобур байтига чиндан-да заргарона ишлов берганини кўраимиз: байта "умр" тўлдирувчисини қўшган, мақсадни аниқлаштириш ва кучайтириш учун "асру" сўзини "катта" сузи билан ифодалаган. Англаймизки, олим бунда худди шарҳловчидай матнга олимона ва ўриқли дахл этган.

Китобдаги 75-ҳикмат аслият "Бобурнома"да қандай эди? Бу китобда-чи:

Кимки келди жаҳонга фано бўлғусидур, Доимо бору бўлур: Худо бўлғусидур. ("Ҳикматлар" 42-бет)

Ана энди ушбу байтни "Бобурнома"дан кўчирамиз: Ҳар ки омад ба жаҳон ағли фано хоҳад буд, Он ки пояндаву боқист, Худо хоҳад буд.

(Куллийт, 6-жилд, 93-бет)

Кўраимизки, таржимон Ваҳоб Раҳмонов мазкур байтдаги форсий мисраларни ўзбекчалаштиришда матнга Бобур даври туркий тил ширасини ҳам бериш пайида бўлиб, "бўлғусидур" сўзини киритган.

Яна бир мисол: Ваҳоб Раҳмонов тубандаги: Ба номи наку гар бимирам равоств, Маро ном бояд, ки тан марарост, ("Куллийт, 6-жилд, 94-бет)

форсий байтни куйидагича шоирона таржима қиладди: Яхши ном қолдириб ўлсам бўлади, Менга ном керакли, танам ўлади.

("Ҳикматлар", 42-бет)

Ҳарбий вазиятда ёв изкуварлари Бобур ухлаб ётган "Осойиш" кемасига тунда писиб чиқаётганларида шаҳаншоҳ тансоқчилари уларга қарши ташланмишди. Муқаррар ўлимдан наҳот толган Бобур бир форсий ҳикматли байтни эслади:

Агар тиги олам бижунбад зи жой, Набуррад раге то нахоҳад Худой.

(Куллийт, 6-жилд, 184-бет)

Ушбу байт Ваҳоб Раҳмонов томонидан шоирона ўзбекчалаштирилади:

Агар олам тиги қўзгалса жойдан, Бир томир кесалмас иснзис Худойдан. ("Ҳикматлар", 40-бет)

Бобур шеърятини ўйноқи оҳанги, сўзларининг омма-боплиги билан ажралиб туради. Аммо юксак ахлоқий ва фалсафий фикрлар ифодасида мумтоз шоир Бобур китобхонга қийин туоладиган у ёки бу сўзини ҳам (масалан, маоссий) қўллаб юборади:

Олудаи юз туман маоссий бўлмоқ, Юз ранжу туман азоб хоси бўлмоқ. Кўп яхши экин ағли хираднинг қошида Ким, оғриртибон атони осий бўлмоқ.

Бу рубоийда "олуда", "ранж" ва "хирад" форсий сўзлари ҳам ўзбек китобхони учун тушунилиши мушкул бўлган тушунчалардир.

Таъдилчи олим Ваҳоб Раҳмонов отадай муқаддас зот хурматини сақлашга чақирилган Бобурнинг ушбу ҳикматомуз рубоийсини осонгина тушуниладиган қилиб насрда таржима қилиб беради: "Юз минглаб гуноҳга бўлганмоқ, юз азобу машаққатга мубтало бўлмоқ — ақл тақозосича: отани ранжитиб осий бўлишдан яхшироқдир".

Ваҳоб Раҳмонов хизматларини қайд этар эканмиз, нега ушбу китобда унинг тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва таъдилчи дея кўрсатилмаганига, тўғриси, ажабландик. Бу тасодифми ёки?..

Бугун биз "Бобур. Ҳикматлар" китобидан 280 та бобурона ҳикматларни мириқиб ўқиганимизда, моҳир таржимон Мирзаали Акбаров меҳнатлари билан бирга, тўпловчи, таъдилчи ва таржимон Ваҳоб Раҳмонов заҳматларини ҳам инobatга олсак, адолатдан бўлади. Зеро, маърифат фидойиларининг бундай бебаҳо хизматлари учун тасанно дейишга бурчлимиз.

Ушбу китоб нашри билан боғлиқ бўлган яна бир хайрли иш шундан иборатки, Бобур "Ҳикматлар"ининг немис тилига таржима қилиш жараёнини нисбатан осонлаштириш ва немис тилидаги таржималарнинг шу тилда гаплашувчи китобхонлар қўлига тезроқ етиб боришини тезлаштириш мақсадида Ваҳоб Раҳмонов шахсан таржимон Мирзаали Акбаровни моддий қўллаб-қувватлаб, ўз ҳисобидан икки миллион сўм ҳада қўйибдилар. Демокчимизки, бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг илм-маърифат йўлидаги бундай саховатпешалик фазилати ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Мазкур мақола ёзилиб бўлганда Бобур номли Халқаро жамоат фондидан ана бир хушхабар келди: Бу китоб Фарғонадаги "Alpha Brand" нашриётда фонд ҳўмилигида қайта босилибди ва Ваҳоб Раҳмоновнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳақиқати ҳам тикланибди: мазкур китобга "таржимон М.А.Каров; тўпловчи ва таъдилчи В.Раҳмонов" дея кўрсатилган.

Янги нашр кўтлуг бўлсин!

Имомқул НУРИНОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖ

ФОРС ҚҮРҒАЗИДА ДОРИЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ

Эрон атрофидаги қалтис вазият Форс кўрғазига мамлакатларига ҳаётий муҳим дори-дармонлар етказиб бериш тизimini издан чиқарди. Саноат экспертларининг оғохлангиришича, айниқса, совитиш тизимини талаб қилувчи онкологик препаратлар ва бошқа муолажалар учун мўлжалланган таъминот занжирлари жиддий ҳавф остида қолмоқда.



АҚШ ва Исроилнинг Эронга берган зарбалари ҳамда бунга жавобан Теҳроннинг бутун минтақа бўйлаб амалга оширган ҳужумлари асосий ҳаво ва денгиз транспорт тизимига ҳавф солди. Бу нафақат нефть ва озиқ-овқат, балки дори-дармонлар таъминотини ҳам қийинлаштириб юборди.

Дори етказиб беришдаги кечикиш онкологик касаллик билан оғриган беморлар учун фожиали бўлиши мумкин: бу ҳолат уларни муолажани бошидан бошлашга мажбур қиладди ёки касаллиқнинг оғирлашишига олиб келади.

РОБОТ ЙЎЛОВЧИ АЁЛГА "ТЕҒАЖОҒЛИК" ҚИЛДИ

Хитойнинг Макао шаҳрида "Unitree G1" роботи 70 ёшли аёлга яқинлашиб, узоқ вақт тикилиб қолди. Натижада жувон кўрқиб кетган ва қичқирган. Темиртаннинг қилигидан кейин кампир кўнғил айниши ва юрак уриши тезлашишдан шикоят қилди. Бемор касалхонада текширувдан ўтказилди.



Кейинчалик "безори" робот "Андроид" таълим муассасаси томонидан реклама мақсадида фойдаланилаётгани аниқланди. Текширувдан сўнг мазкур муассаса жамоат жойида таъриба ўтказишдан эҳтиёт бўлиш ҳақида оғохлангилди ва робот эгасига қайтариб берилди.

400 ДАН ОРТИҚ БЕМОР ҲАЛОҚ БЎЛДИ

16 март куни Афғонистоннинг Кобул шаҳридаги гиёҳвандлар даволанаётган шифохонага бир неча бомба келиб тушди. Ҳодиса натижасида касалхонадаги 400 дан ортиқ бемор ҳалок бўлди. Бу ҳақда "Roya News" хабар берди.



"Толибон"нинг таъкидлашича, зарбалар оқибатида гиёҳвандликка қарши даволаш клиникаси ва айрон қилинган, оқибатда яна 250 киши жароҳатланган.

Покистон эса фуқаролик объектига ҳужум қилинганини инкор этмоқда. Мазкур мамлакатнинг ахборот ва телерадиоэшиттириш вазири Аттоулло Тарар 17 март куни "Х" ижтимоий тармоғида ёзишчи, "Солиҳ ғазаб" номли операция доирасида зарбалар фақат "Толибон"нинг ҳарбий объектиларига қаратилган.

Шу билан бирга, Афғонистон шарқидида Нангарҳор вилоятида Покистон Қуролли кучлари "Толибон"нинг тўртта ҳарбий объектига ҳужум қилган. Оқибатда техник ва логистика инфратузилими ҳамда ўқ-дорилар йўқ қилинган.

Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодик ТҶРАЕВ тайёрлади.

